

VII  
K - 55

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛIGI  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**РАУФ ҚОДИРОВ**

**МУСИҚА**

**ПЕДАГОГИКАСИ**

Ташкент — 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ


**РАУФ ҚОДИРОВ**

**МУСИҚА**

**ПЕДАГОГИКАСИ**

*Қисқача курс*

Тошкент — 2013



*Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-услубий кенгаши  
тномонидан нашрга тавсия этилган*

*Масъул мұхаррір*

Ўзбекистон Республикасы санъат арбоби,  
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор  
**Р.Ю.Юнусов**

*Тақризчилар:*

педагогика фанлари доктори, профессор

**М.Х.Тұхтахұжаева**

санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
**О.А.Иброҳимов**

Қодиров Р.Ф. Музыка педагогикаси: Қисқача курс. –Т.: ЎзДК, 2013.  
– 164 б., күрг., нота.

Қисқача курс олий маҳсус музика таълими Давлат стандартлари ва  
“Музыка педагогикаси” фани ўқув дастурига мувофиқ Ўзбекистон давлат  
консерваториясининг бакалавриат, магистратура босқичи талабалари учун  
тайёрланған. Шунингдек, үндән музика маданияти ва таълими ходимлари  
малакасини ошириш курсларыда, музика ва санъат, умумтаълим мектблари,  
маданият, санъат, педагогика ва бошқа гуманитар йўналишдаги лицей,  
колледж, олий ўқув юртларыда фойдаланиш мүмкин.

## КИРИШ

Мусиқа педагогикаси илмий ҳамда ўқув фани сифатида мусиқа тарбияси ва таълим миннинг тарихи, назарияси ва услубиёти масалаларини ўрганади. Мусиқий-педагогик асослар ва уларниң қонун-қоидаларини ўрганиш унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Мусиқа педагогикаси юқори малакали профессионал мусиқачиларни тайёрлашда ҳам, умумий мусиқа тарбиясига оид муаммоларни ҳал этиш, мусиқа ўқув юртларини ташкил этиш ва бошқариш, замонавий мусиқий-педагогик технологияларни ўзлаштиришда ҳам муҳим назарий ҳамда умумпедагогик аҳамиятга эга.

Педагогик билим ва малакалар, педагогик маҳорат, мусиқачи, хусусан, моҳир ижрочининг юксак санъати каби, фақаттана туғма иқтидорниң натижаси бўлибгина қолмай, балки кўпроқ таълим ва қуидалик қаттиқ меҳнат натижасидир. Мавжуд адабиётлар, машҳур амалиётчи педагоглар иш тажрибасини ўрганиш бунга жонли мисол бўла олади. Ўқувчиларга таълим бериш, уларни зарур билимлар билан қуроллантириш – бу педагогниң вазифаси бўлиб, олинаётган билимлар сифати унинг малака даражасига боғлиқдир. Педагогик маҳорат – бу яхши таълим ва педагогик амалиёт тажрибаси билан йўғрилган иқтидордир. Бошқа исталган мутахассислик сингари педагогликка ҳам ўқиш-ўрганиш орқали эришилади.

Мусиқа педагогикаси бўйича мазкур қисқача курс Ўзбекистон давлат консерваториясининг бакалавриат, магистратура босқичи талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан мусиқа маданияти ва таълими ҳодимлари, тарбиячи ва ўқувчилари фойдаланиш мумкин. У кириш, учта боб, хулоса, илова, адабиётлар рўйхати, расмлар, пота мисоллари ва жадваллардан иборат.

“Кириш” қисмида илмий ва ўқув фани сифатидаги мусиқа педагогикаси тушунчасига аниқлик киритилган, унинг тадқиқот предмети белгиланган, у таъсир этувчи соҳалар доираси кўрсатилган, педагогик маълумотниң зарурияти, педагог шахсиятининг муҳимлиги таъкидланган, мазкур қўлланманинг қисқача мазмуни ва мақсади очиб берилган.

“Мусиқа педагогикасининг умумий асослари” номли I бобда мусиқа педагогикаси ривожинининг қисқача тарихий шарҳи берилди, унинг асосий масалалари ва муаммолари кўрсатилган, педагогика консерваториясининг мусиқа таълими тизимида кўриб чиқилган, мусиқа таълим миннинг энг илғор педагоглари ва мактаблари тилга олинган, педагогик атамалар ва тушунчалар кўрининицидаги умумпедагогик асослар кўрсатилган, шунингдек, “Мусиқа педагогикаси” ўқув фани асосий бўлимларининг қисқача шарҳи берилган.

“Мусиқа тарбиясида болалар қўшиқлари” бобида алла, болалар халқ қўшиқлари ва Ўзбекистон бастакорлари томонидан болалар учун яратилган қўшиқлар кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади. Боб сўнгидаги болалар қўшиқлари нота адабиётларининг тўлиқ каталоги келтирилган. Шунингдек, қўпроқ қайта нашр этилаётган болалар қўшиқларининг жадвали, болалар халқ қўшиқлари, бастакорлик изодиётидаги болалар учун яратилган энг яхши қўшиқлар намуналари рўйхати ҳамда бу қўшиқлар чоп этилган адабиётлар кўрсаткичлари мавжуд. Болалар қўшиқлари, алла ва кичкинтойлар учун қўшиқлардан тортиб йирик сюита, кантата, вокал-хореографик ва опера жанрларигача ёшлиарни мусиқий тарбиялашда муҳим аҳамиятта эга.

“Мусиқа педагогикаси тарихидан” деб номланувчи III бобда тузилиш режаси берилган бўлиб, унда мусиқа педагогикасининг тарихий ва маданий асослари ажратиб кўрсатилган. Булар мусиқа маданияти ва таълиммининг тарихий босчиchlари, адабий мағбалари ва замонавий тизимларидир.

Ушбу бобнинг асосий мазмуни буюк қомусий олимлар, шоирлар (Форобий, Ибн Сино, Кайковус, Жомий, Навоий, Фурқат), XX аср бошларидағи маърифетларвэр зиёлилар (Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Зафарий), замонавий мусиқачилар, педагоглар (В.А.Успенский, Ю.Ражабий, Б.Б.Надеждин, И.Акбаров, Ш.Ёрматов)ларнинг ҳаёти, изодий йўлини ўрганишга бағишиланган.

“Хулоса” қисмидаги қилинган ишларга якун ясалиб, хулосалар чиқарилади, мусиқа педагогикасининг келажакдаги ривожи ва уни тақомиллаштириши масалалари хусусида сўз юритилади. Мусиқа педагогикаси бўйича янги ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш, дарсликлар, хрестоматиялар яратиш мусиқачиларга профессионал педагогик таълим беришда етишмаётган ўқув адабиёти ўринини тўлдиради.

“Илова” да “Мусиқа педагогикаси” курси бўйича семинарлар учун тахминий саволлар намуналари берилди.

“Адабиётлар” рўйхатида мусиқа педагогикаси бўйича ишлар ҳамда мазкур қўлланмани яратишда фойдаланилган адабиётлар келтирилган.

Бўлажак мутахассисларга мусиқа таълими ва тарбияси бўйича педагогик билим бериш мусиқа педагогикаси фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мусиқа педагогикасининг барча соҳаларида зарур педагогик билим ва кўнкимлар бериш мусиқа билим юрти педагогик фанларининг бош мақсадини ташкил этади. Ўқувчиликнинг касбий тайёргарлик сифати, демак мусиқа санъати ва мусиқа маданиятининг келажаги кўп жиҳатдан мусиқачи педагогларнинг педагогик таълим даражасига боғлиқдир.

# 1-БОБ

## МУСИҚА ПЕДАГОГИКАСИННИГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

### Мусиқа таълими педагогикаси

Мусиқа таълимидә ўқитувчи, болани дүнегә келтирған ота-онаси қатори кичинелгиздан башлаб осон бўлмаса-да, гўзал касб-хунарни ўргатади. У ўқувчиларнга мусиқа оламига йўл очади, ўз жону дилининг парчасини бахш этиб, уларнинг устози ва дўстига айланади. Мусиқа ўқитувчиси оддига турган асосий вазифалар — ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, уннаг феъл-автори ва имкониятларини аниқлаш, уни қизиқтириши, уннинг мусиқий қобилиятини ривожлантиришининг энг озижона ўйларини топишдан иборат. Бироқ, ҳар бир ўқитувчи ҳам ушбу вазифалар мажмумуни бажарашининг уддасидан чиңга олмайди, старли даражада педагогик маҳоратта эга бўлмайди ва яхши мусиқачиларин тайёрлай олмайди.

Қандай қилиб ҳақиқий ўқитувчи бўлиш мумкин? Буни ўрганиса бўладимиш? Мусиқа педагогикаси ва мусиқа таълимини ривожлантиришда шу йўзалинидаги масалалар мухум ҳисобланади. Бироқ уларга жавоб беришдан аввал, умузни педагогика нималигини ва бизнинг ҳаётимизда қандай ўрин тутинини ҳис этиш ва анланаш зарур.

#### 1. Масала тарихига деб

Кинжалик жамиятинишинг ривожланини тарихидан педагогика — еркозидаги энг ҳадимий илм ва санъатлардин бири эканлигини кўрамиз. Агар ўз билим ва таърибасини көлгуси авлодларга етказса, ҳаётни ва фаолигини янада ижтироқ, ишқаммазроқ бўлинини ҳатто ибтидоий одам ҳам фахуллагаш. Умузни педагогика сингари, мусиқа педагогикаси тарихи ҳам бой ширин-насарий ва амалий меросга эга бўлиб, у ҳар томонлама ўрганишини, ўзлаштирилиши ва бойитилиши лозим.

Масалан, қадимдан Шарқда, Ўзбекистонда «устоз-шогирд» деб аталадиган касбий таълим тизими кенг тарқалған эди. Мусиқа санъатида у республикамизнинг Тошкент, Андижон, Марғон, Кўйон, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошча шаҳар ҳамда туманлари устоз ижроҷиларининг ажойиб мактаблари билан машҳур. Шундай устозлик мактабларидан бирининг ёрқин вакили машҳур мусиқачи, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юлус Ражабий эди. Ҳозирда уннинг номи билан аталадиган Ўй-музей хазинасида Гулом Зафарий томонидан тузилиб, унга тақдим этилган маҳаллий устоз-шогирдлик мактабларидан бирининг жадвали

сақланмоқда. Бу хужжатни ўрганиб, мәғзини чақиш замонавий ўзбек мусиқа педагогикаси ривожи учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, дабирлар мактаби („дабиристон“ — энг яхши таълим берувчи мактаб), жадидларнинг янги усул мактаблари мазмуни ва методикаси, ўрта асрлар Шарқи буюк олимлари (Форобий, Ибн Сино, Кайковус, Урмавий, Марофий, Жомий, Кавкабий, Дарвиш Али ва б.) нинг асрлари ҳамда мусиқий-педагогик қарашлари ҳам катта қизиқини ўйғотади. Чунончи, машҳур «Китоб ал-музиқа ал-кабир» рисоласи ва мусиқа бўйича қатор илмий асрлар муаллифи Абу Наср Форобий ажойиб созанда бўлган. Унинг кўплаб чолғу асбобларини юксак маҳорат билан чалганлиги ҳақидаги маълумотлар ва ривоятлар бизгача етиб келган. У ўз ижроси билан кишига қувонч баҳш эта олган ёки қайгура чўмдира олган, ташвишларини унуттирган ёхуд чуқур ўйга толдира олган, хурсандчилик, завқ-шавқ түгдира олган, ҳатто, тингловчиларни ухлатиб қўя олган. Унинг ижрочилик мактаби, мусиқа асбобини маҳорат билан истифода эта олиши, тингловчиларга кўрсатадиган таъсир кучи мусиқа педагогикаси ўргавадиган асосий мавзуулардан бири ҳисобланади.

Қадимда Ўрта Шарқда мусиқага, педагогикага ва, жумладан, устозларга катта хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Масалан, даставвал Хоразмда Зардуштининг шанд-насиҳатлари асосида яратилган ва кейинроқ қадимий Турон, Эрон ва бошقا кўплаб Шарқ мамлакатларининг асосий динига айланган зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»даёқ (мил. авв. I минг йиллик) Гатлар энг муқаддас ва қадрли ҳисобланган. Маълумки, мадхия қўшиқлари ва диний қасидалар диний қўшиқлар куйланадиган ибодатхонада коҳинлар ҳамда мутахассислар (ҳозирги тушунчадаги дирижёрлар, хормейстерлар) томонидан ўргатилган<sup>1</sup>. «Авесто»да Зардушт устоз деб аталган. қадимда устозга алоҳида талаблар қўйилган. У эрта тоңгда бошланадиган дарсларга туни билан тинмай ўқиб, тайёрланиши лозим бўлган. «Авесто»нинг «Фаргард»ида, «Яшт» китобида бундай дейилади: «Ё Зардушт, туналарни қироатда ва донишмандлардан таълим олиб ўтказадиган устознинг ўрнини кўрсаттил, токи унинг фикру зикрини ташвишлар банд этмасин, қиёмат кунида қалби қувонч ва шодлик ила лиммо-лим тўлсин, охиратда эси жаннатроҳат-фарогатини ато этни»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Авеста: Избранные гимны: Душанбе: Адиб, 1990; Авеста//Литература Древнего Востока.-М.: Изд-во МГУ, 1984; Авеста//Материалы по ист. прогресс. общ.—филос. мысли в Узбекистане.-Т.: Фан, 1976; Ҳомидий Ҳ. Авесто файлалари.-Т.: А. Қодирий ном. Ҳалқ мероси нашриёти, 2001, 135-6.

<sup>2</sup> Исо Сиддик. Таръиҳи фарғанги Эрон. Техрон, 1342//Иқтибос ?уйидаги ма?оладан олиниди: Мирбабаев А.К. Учебные и научные центры Ближнего и Среднего Востока в древности//Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мир.лит. и культ. – Душанбе: Дониш, 1983, с. 73.

Қадимги юонларда ҳам мусиқа ва таълим юксак қадрланган. Фисогурснинг (Пифагор) «эвритмия» түғрисидаги, Арастунинг «мимесис» түғрисидаги таълимоти, унинг «катарсис», турли мусиқа оҳангларининг ёшлар тарбиясига таъсири түғрисидаги қарашлари, мусиқа таълим мининг оммавийлиги ҳамма ерда қўллаб-қувватланган. Улар билимсиз кишини, яъни қўшиқ айтишини, соз чалишини, рақс тушишини билмайдиган, демак, «хорея»да — бутун жамоани бирлаштирадиган мусиқий-хореографик тадбирда иштирок эта олмайдиган кишини «ахореутос» деб аташган.

Масалан, Афлотун „давлатнинг куч-қудрати у ерда қандай мусиқа, қайси пардада ва қандай суръатда янграёттанига боғлиқ, деб ҳисоблаган. Давлат учун, деб ҳисобларди у, ахлоқни бузишнинг сипо ва ҳаёли мусиқадан чекинишдан да ёмон усули йўқ. Ахлоқсиз ритм (суръат) ва ладлар (пардалар) орқали киши қалбига худди ўшанақа беҳаё ва ахлоқсиз нарсалар жо бўлади. Чунки мусиқий ритм ва ладлар кишилар қалбини ўзига монанд қилишга қодирдир. Афлотун ва унинг издошлиари давлатда индивиднинг ижтимоий талаблар даражасига қадар юксалишига ҳамда ўз оламини полис жамоаси билан бирдам деб англашига кўмаклападиган мусиқагагина йўл қўйини мумкин, деб ҳисоблашганди<sup>3</sup>.

Тарихда илк бор чех педагоги Ян Амос Коменский (1592—1670) педагогикани фан сифатида асослаб берди. Унинг барча болалар учун таълимнинг зарурлиги таъкидланган асосий асари «Буюк дидактика»да (1633—1638) таълим мазмуни, методлари ва шакллари ишлаб чиқилган. Ундан кейинги барча педагоглар, дидактик олимлар энг аввало унинг педагогика асосларига таънишади. Коменский томонидан таклиф этилган, биз ҳозирга қадар фойдаланиб келаётган «синф-дарс» ўқитиши тизими педагогиканинг олтин фондига кирган.

Гарчи Коменскийнинг ўзи ҳам дидактикани «Барчага ҳамма нарсани ўргатадиган оммавий санъат» деб таърифлаган бўлса-да, педагогикага нафақат санъат сифатида, балки фан сифатида ҳам қарашиб шаклланди. Шундан сўнг бир қатор олимлар, педагоглар (И. Г. Песталоцци, Ф. А. Дистервег, И. Гербарт, К. Д. Ушинский, Е. Паркхерст, Е. Мелби, Р. Ворнер, Л. Трамп, Ж. Дьюи, П. П. Блонский, М. А. Данилов, Б. П. Есипов, М. Н. Скаткин, И. Я. Лернер, Ю. К. Бабанский, М. И. Махмутов, Г. И. Шчукина, Б. Т. Лихачёв ва бошқалар) педагогика назариясини шу қадар юқори даражага кўтаришдики, бошқа ҳеч бир гуманитар илмий фан бундай даражага эришмаган эди. Ушбу ҳолатда, ҳар қандай санъат сингари, ўқитиши ва тарбиялаш, педагогика санъати, ўзига хос ҳусусиятлар ҳамда қонуниятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олиш, табиийки, педагогик жараёнлар

<sup>3</sup> Петрушин В.И. Музыкальная психология.-М.:Гум. изд. центр ВЛАДОС, 1997, с. 7—8.

самарадорлигини оширади. Ушбу жараёнларни ўрганиш ва бир тизимга солиш педагогиканинг назарий асосларини ишлаб чиқиши имконини берди. Назарий концепцияларининг кўплиги ва турли тумавлигига қарамай, бугунги кунда педагогика фани қуйидаги тўрт асосий бўлимга ажратиб ўрганилади:

- I. Педагогиканинг умумий асослари.
- II. Таълим ва ўқитни назарияси (дидактика).
- III. Тарбия назарияси.
- IV. Мактабни ташкил этиши ва бошқариш (мактабшунослик).

XIX асрнинг охири – XX аср бошварида Ўзбекистонда педагогиканинг ривожланинши тарихида жадидлар (Мунавварқори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлон, Авлоний, Шакурий ва бошқалар) пинг фаолияти ва, жумладан, улар томонидан ташкил этилган янги усуздаги (кўнғапчили, ўқитнининг “спиф-даре” тизимига асосланган) мактаблар катта қўзицини уйғотади. Юқори даражадаги билимлилар ва маданият, чинчам ватанназарварлик уларга мураккаб ташкилни шиндан ташқари, янги ўқув режалари, дастурларини тузиши, бу мактаблар ўқувчилари учун дарсларни яратиш имконини беруди.

Тарих, адабиёт, география ва бошқа умумтаълими фанларга билан бир қаторда мусиқа дарслари киритилди, шунингдек маҳсус мусиқа мактаблари очилди. Чунончи, Абдурауф Фитрат 1921 йилда Бухорода Шарқ мусиқа мактаби деб номланган ўқув юртими очди ва унинг биринчи директори бўлди. Бу мактабда мусиқий изкорчиликка ўргатилиши мақом кўйлари негизида анъанаий оғзаки усууда олиб бориларди. Фитратни ташаббуси билан бу мактабда Шашмақом билимдошлари Ота Жазоъ ва Ота Гиёслар ёрдамида Бухоро маҳомларининг тўлиқ туркуми В.А.Успенский томонидан илик бор ногага ёзилди ва 1924 йилда “Шесть музыкальных поэм” (мақом) номи билан тўйнам шаклида напр этилди. Фитратни ўзи мусиқа бўйича «Шашмақом», «Ўзбек мусиқаси тўғрисида» асарлари ҳамоша 1927 йилда эски ўзбек ёзувида напр этилган сөрмазмун «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китоби муаллифи эди.

Бу даврда Ўзбекистонда маҳсус мусиқа таълими юнг қўшинали, умумий ва давлат аҳамиятига эга бўла бошлади. Тошкентда (1918), Самарқанд ва Фарғонада (1919) Халқ консерваториялари очилди, 20-йилларда мусиқа билим юртлари, ансамбллар, тўгаракларниң қатта тармоғи иш бошлади, умумтаълим мактабларида ашула дарслари киритилди. 1934 йилда олий мусиқа мактаби ташкил этилди ва 1936 йилда унинг негизида Тошкент консерваторияси очилди. Шу тариқа янги педагог кадрларга жиддий зарурат юзага келди.

Бу навр Ўзбекистон профессионал мусиқа таълимийнинг ривоятийинин ишбути мусиқа педагогикаси тарихидаги каби, юқори маҳалмутли ишетасдан иш на ўз иншитада садоқатли мусиқачилар, олимлар, педагоглар катта аҳамигига касб этдишлар. Шундай шахслар жумластига Н.Н.Миронов, В.А.Усачевский, Е.Е.Романовская, Г.А.Мунель, А.Ф.Кохловский, Б.Б.Надеждин ва башкалар. шунингдек миллӣ мусиқа билимдоғлари ва машҳур ижрочишлар, ағълананий устоzlар мактабида тарбия кўрган Ҳожи Абдулазиз Расулов, Ленин Бобохонов, Домба Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Гонимхаммедов, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Юниус Ражабий, Фахриздин Сониров ва башкаларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон мусиқа санъати ижрочилик, бастакорлик, илмий-назарий ва бошقا йўналишиларда юқори профессионал даражадаги мактаблардан иборат. Бунда бир печа билим ва педагогик маҳорат истеъодидига эгалар авлодининг, устоzlарининг хизмати бекенёсdir.

## 2. Махсус мусиқа таълими тизимидағи педагогика

Педагогика тарихига мухтасар низар таппагандан сўнг, яна диставиал қўйилган масалаларга қайтамиш. қандай қилиб юқори маҳакали педагог бўлиши мумкин? уни ўрганса бўладими? Мусиқа таълими тизимида олий педагогик маҳоратта Ўзбекистон давлат консерваторияси битирувчилари эга бўладилар. Шунинг мисолида биз уларниг педагогик тайёргарлагтига онц айрим масалаларни кўриб чиқишга қарор қилдик.

Олий махсус мусиқа таълими давлат стандартларига ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси битирувчиларининг маҳакавий тавсифига мувофиқ, уларнинг бастакор, ижрочи, мусиқиинуюс, оиса режиссёри сингари асосий ихтиносликлари билан бирга, уларга мусиқа таълимийнинг ушбу йўналишилари бўйича ўқитувчи малакаси ҳам берилади. Олий мусиқа таълими тизимидағи педагогик амалиёт тажрибасидан магълум бўлинничча, бўлажак чолғучи-педагогининг ушбу малакавий тавсифи ҳар доим ҳам буништук учун зарур бўлган мустаҳкам ўқув-тарбиявий асосга эга бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Гаълим тўғрисида»ги қонуни, «Қадрлар тайёрланиши мислний дастури»да (1997)<sup>1</sup> таъкидланганда, мусиқа таълими тизимини ушбу йўналишда такомиллаштириб ва янгилаб бориб, профессионал педагог қадрлар билан республика мусиқа таълими тизимини янти, жаҳон таълим стандартлари даражасида тараққий этиришга ҳамда мустаҳкамланига ёрдам берамиз.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни; Қадрлар тайёрланиши мислний дастури//Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг асоси. Т.: Шарқ, 1998.

Хозирги нақтада Ўзбекистон давлат консерваториясида педагоглик нұтисосян мөсөньяларининг ўрганилиниң, несекан 1988 йылдан Мусиқа таълимийнің пәннің ассоции кафедрасы ташкил этилиниң на уннинг фаолияти билан бөлгөн. Ушбу кафедра 1997 йылдан бүен Мусиқа педагогикасын кафедрасы деб аталады. Түрли даврларда бу кафедрада М.Ю.Артишевская, Е.Е.Везирян, С.П.Галицкая, Д.А.Жамолова, Т.В.Зимина, О.П.Иванов, З.Ф.Каримова, М.С.Ковбас, Д.А.Муродова, Г.Р.Мусина, Ф.А.Ниҳақасова, О.Н.Плотникова, С.Р.Райкабова, Н.А.Рижкова, Җ.О.Сомонова, Т.Е.Соломонова, В.П.Сраджев, А.Х.Тригурова, М.М.Файзиев, Ш.З.Фатхуллахўйнова, И.Ф.Федоренко, М.Х.Хўжаева, Т.В.Ярошевская, Р.Ғ.Қодиров, Л.М.Ғаниева, Д.В.Ҳошимова кабилар ишлапшаган ва ишлаб келмоқдалар. Ушбу кафедра ишпининг ассоци масалаларидан бири консерватория битириувчиларининг педагогик малакасы ҳақидагы масала бўлиб қоғди. Ушбу муаммонинг мазмуни консерватория битириувчилари оғаллаётган педагогик малака сифатини ўрганишдан иборат бўлди. Консерватория битириувчилари педагог, ўқитувчи малакаси талабларига жавоб берадими? Жавоб берса, қай даражада? Ушбу педагогик иктиёсни янада яхшилаш иўллари қандай, — каби ютор саволларига аниқдик киригини ва уларга жавоб тоини зарур эди. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун кафедрада тадқиқотлар олиб борилди. Уларнинг натижалари кафедра, Илмий кенгаш мажлисларида, конференцияларда ва қатор нашрларда ёртилди.

Ушбу тадқиқотлар матьлумотларини умумлаштириб, бу йўналишда ассоци иштилини консерватория битириувчиларининг профессионал педагогик тайёрлариги сифатиниң янада яхшилаш ва мустаҳкамлани ўйнидан бориётганини таъкидлани мумкин. Бунга ўкую режисяларига педагогик таълимийнің назарий ассоции бўйича фанлар киритилиши ёрдам берди. Булар — бакалаврият босқичи учун психология, педагогика; магистратура босқичи учун педагогик технология ва педагогик маҳорат, мусиқий психология, мусиқий педагогика; аспирантлар ва стажёр-ассистентлар учун мусиқа санъати соҳалари бўйича психология ва педагогика. Педагогик таълим жараёшининг амалий ютуқларидан бири педагогик амалиётининг Даилият аттестацияси даражасига олиб чиқилини ва консерватория қонида Недағоник амалиёт бўйича Студиянинг ташкил этилини бўлди<sup>2</sup>.

Шунингдек методик ва амалий фанлар туркуми — түрли фанларни ўқиттиң методикасы, педагогик ва ижроочилик амалиётни ҳам тақомиъланшиб

<sup>2</sup> Ўз.КС педагогик амалиёт бўлими ва студиясига кўн йиъказар М.Ю.Артишевская муваффоқиятли мудирлик қилди. Ноҳир бу шини Д.К.Юнусова олиб бормоюда.

борди. Консерватория талабалари томонидан мусиқий педагогика, психология, ўқитини методикасын масалалари бўйича кўплаб қизинчларли курс ишлари ши олмай ишлар бўжарилмоқда. Олни ўқув юргизари ва республика талабалар илмий конференцияларига ҳамда олимпиадаларига тақдим этилган ишлардан айримлари юқори баҳоги сазовор бўлди.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда консерватория талабаларининг педагогик таълим мазмунин уч дидактик асос — педагогик назария, методика ва амалиётдан иборат мустаҳкам таълим негизига эгалигини таъкидлантириш мумкин. Бироқ асосий қасбий йўналиниши сўзсиз мусиқа санъати бўлгани консерватория талабалари томонидан уларнинг педагогик ихтиеслашуви ҳали ҳам етарлича ҳисобга олинмаянти. Мусиқи педагогикаси кафедраси мониторинги патижаларининг кўрсатишчича, бу ҳолат айниқса ўқитишининг бошлангич босқичларида сезиларниди. Педагоглар (Т.Е.Соломонова, М.Ю.Арташевская, Р.Ф.Қодиров, В.П.Сраджев) томонидан ўтказилган тест синовлари, сўровлар, анкеталаштириш шундан далолат берадиги, консерваторияга янги кирган барча талабаларнинг атиги б ғонзигини ўзини педагогик фавориттага онгли тайёрлайти, қолганилари зеки педагогик ихтиеслашуви ҳақида ҳатто бўлаб ҳам кўрмайдилар. Ваҳоланки, консерватория битирувчиларининг аксарияти (91 фоизи) педагогик иш билан шуғулланмоқда.

Педагогик малака, педагогик маҳорат ўз-ўзидан наидо бўлмайди, балки зарурӣ педагогик билимлар, кўнинма ва малакаларни эгаллаш учун қунт билан, мақсадни кўзлаб қилинган ишлар патижасида ҳосил бўлади. Педагогик малакани эгаллаш — бу сует жараёни эмас, балки айтгайлик, скрипса чалишини ўрганини ёки ширжёрлик техникасини ўсташтирини сингари фиол ўқув-тарбия жараёниди.

Юқорида баён этилганларга асослашиб, педагогик таълим мазмунининг сифатини ошириши, шунингдек бутун мусиқи таълимни тизимида (майстрабди бонглаб олни ўқув юргигача) тарбиявий-қасбий йўналтирувчи ишни кучайтириш бўйичча ишни давом эттириш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарни мумкин. Педагоглик қасбига инебатан ўзининг иккичи қасби бўлгани сифатида, кўнчилик ҳолатларда эса биринчи мутахассислик сифатида онгли муносабигатда бўлни бўлажак чотргучи педагогларга талабалик йилларидаёз фаворит билан билим эгаллаш ҳамда ўзининг педагогик малакасини мақсадни такомиллантириши имконини беради.

2002 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясида ушибу олни ўқув юрги тарихида биринчи бор янги ихтиеслик — «мусиқи таъшими» бўйича талабалар қабул қилини мудаффақиятли амалга оширилди. Республикамизда олни мусиқий педагогик таълимни ривожлантиришининг

бүткүл яңғы босқичи бошланып. Бу ихтиосөзлик бүйінча үқиғіттаң шағынның олжеттесілар — келажакда үйларға айнан педагогик фылологияның касб қызып таңталған талабалардир. Бу ихтиосөзлик бүйінча естакчи ва мұтахассис тайёрлаб чиқарувчи кафедра — мусиқий педагогика кафедрасы ҳисоблашады. Үқиғіттің ушбу шақтаниң ташкил этиндән күзгаптаңған засосий мақсад республикадаги махсус олді мусиқа үкүв юрті негизінде мусиқи педагогикасы ҳамда болалар мусиқий таълимни ва тарбиясіннің барча соқауларыда юқори малакали мұтахассиселар тайёрлашыдан иборат. Олді мусиқа үкүв юргалығына бүндей мусиқий-педагогик таълим маңжұл бүтін, мәселең, Рига дәүләт консерваториясы ёки Москвадагы Мусиқа академиясы (Гнесиндар номидагы давлат мусиқа-педагогика институты).

Ўзбекистон давлат консерваториясыда ушбу ихтиослашув ҳажмииң тұлындырылғанда тасаввур этиши учун, мисол тарниғасыда ушбу ихтиосөзлик бүйінча үқиғіттән талабалар үтадыған педагогик амалиёт ҳамда Дағлат аттестациясын босқичлари ва турларининг вариантыларыдан бирини көлтирамыз:

Педагогик ва ижроцилік амалиёті турлари ҳамда босқичлари:

І курс, 3- семестр — болалар бөгчеси мусиқа тарбиячеси;

· ІІ курс, 4- семестр — умумтағының мақтаби мусиқа үқитувчеси;

ІІІ курс, 5- семестр — болалар мусиқа жамоалари раҳбары, болалар мусиқали радиоэшілдірішінің ҳамда телекүрсатувлари режиссёры;

ІІІ курс, 6- семестр — педагогика колледжларыда мусиқа тарбияси методикасы курсы үқитувчеси;

ІV курс, 7- семестр — мұтахассиселик, педагогик ва ижроцилік амалшоғырларынан амалиёті бүйінча Дағлат аттестациясыннан амалиёт қысмии тоғызырынша тайёрларынан.

Әнди махсус файлар бүйінча Дағлат аттестациясын памұналарыдан бирини көлтирамыз:

Махсус файлар бүйінча Дағлат аттестациясы

I. Ижроцилік амалиёті

1. Болалар мусиқа жамоасы билан чиқып

2. Талабалар хорига дирижёрлик қылыш

II. Педагогика пазариясынан амалиёті

1. Умумтағының мақтабаларыда мусиқадан памұнавий даре

2. Педагогика

3. Мусиқа тарбияси методикасы

III. Мұтахассиселик

1. Болалар үкүв мусиқа репертуары пәннен

2. Езма малакавий диплом шыны.

Талабалар ушбу ихтисослашувга мувофиқ ритмика ва хореография, педагогика тарихи, ёшға оид ва педагогик психология, мусиқа тарбияси методикаси, мусиқа педагогикаси тарихи, болалар мусиқа репертуары, мутахассислик бүйінча адабиётлар, хор синфи, нұтқ маданияты, педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фанларини ҳамда ушбу мутахассислик соңасында мос көлдіганды яна бир қатар мусиқий, умуммахсус, ижтимоий ва гуманитар фанларни үзлаштырадылар.

«Мусиқа тәртібы» ихтисослиги бүйінчі бириңчи бакалаврларнинг битириүв кечаси 2006 йылда амалға оширилған. Бу тантаналар Болалар мусиқа фестивали билан бир вақтта үткәзилған ва ҳозирғи күнде ҳам үткәзілмоқда, бу талабаларға яна бир бор ва энді юксек даражада болалар билан берірга кіттә фестивал дастурида иштирок этиш имконини берады. Ҳар қандай янғы ихтисослиқда бұлғаны каби, бу соңада ҳам ҳали вақт синовидан үтишни талаб қылады жиһатлар бор, албаттa. Бироқ, ҳозирданоң маълум бўлишичa, республикада болалар мусиқий тарбияси бүйінча консерватория даражасында тәртіл олган малакалы мутахассисларга бўлган эҳтиёж жуда юқори.

Келтирілған мисолларда педагогик малака, педагогик маҳорат — бу маҳсус мусиқий тәртіл каби, маҳсус педагогик мусиқий тәртілнинг ҳам зарур тарқибий қисми эканлығы күриниб турибди, бу мусиқа педагогикасининг долзарб муаммоси ҳисобланади. Мусиқий тәртіл даражаси доимо ўқытувчининг педагогик малакасы сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, ўқытувчининг педагогик малака даражаси у эталлайдиган педагогик билим, кўникма ва малакалари сифатига, бошқача айттанды, педагогик фаолиятта мойил бўлган шахснинг онглилиги, қизиқувчанлығи, меҳнатсеварлиги, истеъоди ва иктидорига боғлиқ бўлади. Яхши ўқытувчи нафакат педагогик истеъоддога эга бўлиши ва мусиқий асарни изжро этиш техникасини эталланши, шунингдек, мавжуд педагогик назариялар ва ўқитиш методлари бүйінча тегиншли ҳажмдаги билимга ҳам эга бўлиши керак. Бунга эса ўқиш ва амалиёт йўли билан эришилади.

Асарни қандай қилиб самаралироқ ёд олиш мүмкун? Ўрганилган асарни хотирада мустаҳкамлашнинг қандай оқилона методлари мавжуд? Машхур поляк пианиночиси, М.Мошковский ва А.Г.Рубинштейннинг шогирди, педагог, композитор Иосиф Гофманнинг формуласында кўра асарни пухта ёдлаб олишнинг қўйидаги тўрт асосий босқичи таклиф этилади:

1. Асар матни устида чолғу асбобисиз ишлаш;
2. Асар матни устида чолғу асбоби билан ишлап;
3. Асар устида матнисиз ишлаш (ёддан чалиш);
4. Чолғу асбобисиз ва нотасиз ишлаш (ички эшитиш тасаввур意义上).

Асарни ёд олишнинг ушбу босқичлари барчага яхши маълум. Бироқ, амалиётда биз биринчи ва охирги босқичлардан ҳар доим ҳам ёки умуман фойдаланимастигини ёки ҳисобга олинмаслигини кўрамиз. И.Гофман эса агар «ўқувчи ҳар бир потани, секвенцияни, ритмни, гармонияни ва потада мавжуд бўлган барча кўрсатмаларни англаб олмагунича клавиатурага яснинлашишга ошиқмаса, ўзи учун яхши иш қўлган бўлади, чуничи чалиш — ижрочи жуда яхши билган нарсанинг қўллар ёрдамида ифодаланишиди<sup>3</sup>,— деб ҳисоблаганди.

Кўп чолғучилар асарни ўрганишда дуч келадиган хато, тузоқ — матнни кўп марта, меҳаник равишда такрорлашдан иборат. Бундай усулда ўрганганда асосий оғирлик фақат ҳаракатдаги хотирага тушади. Таникли француз пианиночиси Маргарита Лонгининг ҳақли равишда қайд этишича, бундай ёдаки ўрганиш усули — «шубҳали садоқатнинг ялиқовларга қарори ва шу билан бирга қимматли вақтни беҳуда сарфлашдир».

Хотирлаб ёдаки чалиш ижро сифатини анча яхшилади. Р.Шуман: «Ноталар бўйича исталганча эркин чалинган аккорд хотирлаб чалингандагининг ярмичалик ҳам эркин янгратмайди<sup>4</sup>. Мусиқачи ва, айнича, ижрочи учун яхши хотира катта аҳамиятга эга. В.Моцарт, Ф.Лист, А.Рубинштейн, С.Рахманинов, А.Тосканини қандай улкан мусиқий хотираага эга бўлганликларини биз яхши биламиз. Масалан, Ференц Лист концертга кета туриб йўлда, аравада ўтирганда мураккаб асарни фақат кўз ташлаб ёдлаб оларди ва уни концертда ижро эта оларди. Ўзбек мусиқасида Юнус Ражабийни мисол келтириш мумкин, у ўзининг кўп жилдни «Ўзбек ҳалқ мусиқаси», «Шашмақом» каби нота тўпламларини амалда хотира бўйича яраттан. Шунингдек, ўзбек ҳофизларининг санъати ҳам бунга яқъол мисол бўлади. «Ҳофиз» сўзи араб тилидан таржима қўлганда, «сақламоқ», «унутмаслик», «ёдда сақлаш каби» маъноларни билдиради. Мусиқий хотира, тафаккур, тасаввур, эшигиш, овоз, ритм, ижро техникасини ўргатиш ҳамда ривожлантириш масалалари ва замонавий мусиқа педагогикасига оид бошقا долзарб муаммолар бўйича яна кўплаб мисоллар келтириши, буюк фортепиано (К.Н.Игумнов, А.Б.Гольденвейзер, Г.Г.Нейгауз), скрипка (Л.С.Ауэр, А.И.Ямпольский, П.С.Столярский) мактаблари, болалар мусиқа тарбиясидаги ноёб методикалар (Эмиль Жак-Далькроз, Золтан Кодай, Карл Орф, Дмитрий Кабалевский) ва бошقا мусиқа мактабларининг жаҳон амалиётидаги педагогик тажрибасини кўрсатиб ўтиши мумкин. Ўзбекистонда Б.Б.Надеждин, А.Ф.Козловский.

<sup>3</sup> Гофман И. Фортепианская игра: Ответы и вопросы о фортепианной игре. М., 1964. ЗЗ с.

<sup>4</sup> Шуман Р. О музыке и музыкантах. М., 1973. 254 с.

Г.А.Мушель, М.Ашрафий, Н.М.Яблоновский, Я.Б.Пеккер, Ю.Г.Кон, М.Н.Семёнов, В.И.Князитов, А.И.Петросянц, А.Е.Морозов, У.Р.Ризакулов, Б.И.Зейдман, М.Б.Рейсон, А.М.Геккельман, В.Ф.Пұлатов, Б.Ф.Гиенко, Х.Ф.Азимов, Ф.Содиков, И.Ражабов, Н.Хошимов, С.Қобулова, Т.Алиматов, Ф.М.Кароматли, А.О.Одилов, Р.Д.Вильданов, О.Ю.Юсупова ва бошқа ажойиб мусиқачи-педагогларнинг фаолияти барчага яхши маълум. Бу педагогик бойликни ўзлаштириш бўлажак мусиқачи-педагогларнинг асосий вазифасидир. Бу мактабларнинг барчасини мусиқага, педагогикага бўлган улкан муҳаббат ва зўр меҳнат бирлаштиради. Бунинг ёрқин намунасини ҳозир В.А.Успенский номидаги Республика маҳсус мусиқа академик лицейининг машҳур устоз-мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ЎзДКнинг фахрий профессори Тамара Афапасьевна Попович кўрсатмоқда.

Ниҳоят, қандай қилиб ўқитувчи бўлиш мумкин, деган саволта жавоб берга туриб, П.И. Чайковскийнинг қўйидаги сўзларини келтириш мумкин: «Энг аввало, меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат қилиш зарур. Ҳатто закий ақл эгаси бўлган киши ҳам, машақатли меҳнат қўлмас экан, нафақат буюк, балки ўргамиёна нарсани ҳам яратса олмайди».

Бу педагогик билимларни эгаллаш ва педагогик маҳоратни такомиллаштириш бўйича қилинадиган меҳнатидир. Ўқитувчининг педагогик иши натижаси унинг шогирдлари, у ўтказаётган машғулотларнинг сифатлилиги ҳамда ажойиб мусиқа абадий янграши учун мусиқий педагогика, мусиқа санъати ривожига қўшаётган ҳиссасидан иборатdir.

### Умумпедагогик атама ва тушунчалар

Мавжуд педагогик назариялар ва услубларнинг турли соҳаларга оид методикаларининг асоси умумий педагогика ҳамда унда шаклланган атама ва тушунчалар ҳисобланади. Мусиқа педагогикасининг тизими ва назарий асосларини кўрсатишдан аввал ана шу базавий атамалар ва тушунчаларга мурожат этамиз ва улардан асосийларини ажратиб оламиз.

#### Асосий педагогик атамалар ва тушунчалар

Педагогика – таълим ва тарбия ҳақидаги фан; шахсни тарбиялаш, унга таълим бериш, ўқитиш ва ривожлантириш жараёнларнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва қонуниятларини очиб беради.

“Педагогика” – юнонча сўз бўлиб, “паид” – бола, “агогика” – етаклаш.

Педагогика тарихи – педагогика назарияси ва амалиёти ривожининг тарихий даврлари ҳақидаги фан.

Умумий педагогиканинг бўлшымлари:

- I. Педагогиканинг умумий асослари
- II. Таълим ва ўқитиши назарияси (дидактика)
- III. Тарбия назарияси
- IV. Мактабшунослик

Педагогиканинг тармоқлари:

Педагогика тарихи

Халқ педагогикаси

Умумий педагогика

Мактабгача педагогика

Мактаб педагогикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълими педагогикаси

Катталар педагогикаси

Хусусий педагогика ёки фанга оид методикалар (музыка педагогикаси)

Маҳсус педагогика ёки дефектология:

- a) Сурдопедагогика (кар, соқовлар учун)
- b) Тифлопедагогика (кўзи ожизлар учун)
- c) Олигофренипедагогика (ақли заиғлар учун).

Асосий педагогик атамалар – педагогика, таълим, ўқитиши, тарбия, ривожланниш, билимлар, кўникмалар, малакалар, дидактика, мактабшунослик ва бошқалар.

Таълим – тизимлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси, шунингдек таълим муассасалари тизими.

Ўқитиши – ўқитувчи раҳбарлигида билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган маҳсус ташкил этилган жараён.

Тарбия – инсоннинг шахсий шакллантиришга йўналтирилган жараён.

Ривожланиши – шахснинг маънавий, ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни.

Билим – тўплантган тажриба; борлиқнинг англашнинг амалда синалган натижаси ва унинг инсон тафаккурида тўғри акс этиши.

Кўникма – ғайрихтиёрий даражагача етказилган ҳаракат.

Малака – мавжуд билим ва кўникмалардан тўғри ва самарали фойдаланиши.

Дидактика – таълим ва ўқитиши назарияси.

Дидактика категориялари: ўқитиши жараёни, таълим мазмуни, ўқитиши принциплари, ўқитиши методлари, ўқитиши шакллари.

Ўқитиши жараёни – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати жараёнида ўқувчиларга таълим бериши.

Таълим мазмуни — билим, кўникма ва малакаларнинг педагогик тизими.

Ўқитиши принциплари — ўқитиши жараёнининг асосий қонун-қоидалари ва унга қўйиладиган дидактик талаблар (илмийлик, тушунарлилик, тизимлилик, изчиллиги, ҳаёт билан боғлиқлилиги, кўргазмалик, мавхумлилик, оғлилик, фаоллик, билим ва кўникмаларнинг пухталиги).

Ўқитиши методлари — билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш ва ўзлаштириш услублари, йўллари (оғзаки, кўргазмалик, амалий).

Ўқитиши шакллари — белгиланган ва маълум тартибда амалга ошириладиган ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти. Ўқитишининг асосий шакли дарс ҳисобланади.

Тарбия назарияси — инсоннинг шахсий фазилатларини шакллантириш педагогик жараёнларини тизимлаштириш низарияси (маънавий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, бадиий, мусиқий, жисмоний тарбия).

Мактабашунослик — мактабда таълим-тарбияни ташкил этиши ва уни бошқариш масалалари кўриб чиқиладиган тизим.

Мусиқа педагогикаси назариясида мазкур умупедагогик таяниш атамалардан умумий ҳамда маҳсус мусиқа тарбияси ва таълимининг ўзига хос хусусиятларини иибаттга олган ҳолда фойдаланилади.

### Мусиқа педагогикаси

(ўқув фани асосий бўлимларнинг қисқача шарҳи)

Мазкур ўқув фани Ўзбекистон давлат консерваторияси магистратура босқичини талabalari учун ишлаб чиқилган. Унинг асосий қондаларидан, шунингдек, ўқитувчилар, мусиқа маданияти ва таълими ходимларнинг малакасини ошириш курсларида, педагогик ва маданий-оқартув ўқув юртларида, мусиқа таълими ва тарбияси тизимидағи педагогик кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган факультет ва бўлимларда фойдаланилиши мумкин.

Мусиқа педагогикаси бўйича ушбу курсе бастакорлар, мусиқашунослар, ижрочилар, ўқитувчилар, тарбиячилар, маърифий ва мусиқа санъатини техник таъминлаш ходимларнинг умумий мусиқий-педагогик билимларини янгилаш ва такомиллаштиришга қаратилган. Мазкур мутахассисликларнинг ҳар бирни педагогик йўналишидаги соҳага хос хусусиятларга эга бўлиб, табиийки улар мана шу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўрганилиши ҳамда кўриб чиқилиши лозим.



Бўлажак мусиқачилар учун педагогика бўйича аввалги дастурлар, асосан, умумий педагогика курси мазмунига эга бўлиб, уларда мусиқа санъатининг ўзига хос хусусиятлари етарлича, баъзан эса умуман ҳисобга олинимаган эди. Мазкур курснинг мақсади мусиқа санъатига оид педагогик муаммоларни максимал даражада ҳисобга олишдан иборатдир. *Мусиқа педагогикаси* – инсонга мусиқий таълим бериш ва тарбиялаш ҳақидаги фан; у қатор гуманинтар фанлар (acosan, педагогика, мусиқашунослик ва фанлар методикаси) ни бирлаштириш натижасида юзага келган мустақил илмий фан бўлиб, ўзининг мақсад ва вазифалари, илмий ва маълумот апаратига эга. Мусиқа педагогикасининг ўрганиши предмети мусиқий таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти бўлиб, унда мусиқий-педагогик жараённинг моҳияти ва қонуниятлари очиб берилади. Мусиқа педагогикаси курси педагогика, мусиқашунослик, психология, физиология, эстетика каби фундаментал фанлар ҳамда мусиқий таълим ва тарбиянинг хусусий методикаларига таянади; умумий педагогикада анча барқарорлашган унинг асосий бўлимлари таркиби мусиқа педагогикасининг қонуниятлари ва муаммолари мазмунини тўлиқ очиб бериш учун ишончли конструктив асос бўлиб хизмат қилиши айниқса муҳимдир. Мазкур курсни ишлаб чиқишада умумий педагогика академик курси асос қилиб олинди<sup>5</sup>.

Курснинг методологик асоси муаммони ўрганишга тарихий жиҳатдан ва комплекс ёндашиб принциплари, умумий ва мусиқа педагогикасининг бирлаштирилиши, ўзбек мусиқа-педагогика маданиятининг умуминсоний қадриятларнинг бир қисми сифатида ривожланиши жараёнлари, ўзбек мусиқасининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ҳудудий, яхон мусиқа маданияти билан ўзаро боғлиқлиги, бир-бираига яқин фан ва санъат турларининг илмий ва услубий негизига таяниш ҳисобланади.

Мусиқа педагогикаси курсининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: педагогик билимларни эгаллаш, мусиқа санъати соҳасидаги педагогиканинг назарий асослари ва қонуниятларини ўрганиш, умумий ва маҳсус мусиқа таълими мазмунини очиб бериш, мусиқа таълими ва тарбиясининг принциплари, методлари, шаклларини тартибга солиш, шахсни ривожлантириш, мусиқачининг касбга оид сифатларини шакллантириш, мусиқа санъати соҳасидаги педагогик ютуқларни умумлаштириш.

Мазкур курс бўйича дастур, мавзуу режаси тузиша соатлар ҳажми турли ўқув режаларида кўзда тутилган аудитория соатлари боғлиқ ҳолда

<sup>5</sup> Педагогика / Ю. К. Бабанский таҳрири остида. М., 1983.

ўзгартырилиши мүмкін. Малака ошириш факультетларыда соатлар ҳажмини мавзуларни бирлаштириш йўли билан қисқартириш мүмкін. Олий ва ўрта маҳсус педагогик, маданий-оқартур ўқув юргларида ушбу курсни умумий педагогика курси билан қўшиб олиб бориш ёки алоҳида курс (“Мусиқа педагогикаси”, “Мусиқа санъати педагогикаси” ёки “Мусиқа таълими ва тарбияси педагогикаси”) сифатида киритиш мақсадга мувофиқ.

Мусиқа педагогикаси курси тўрт бўлимдан иборат:

I. Мусиқа педагогикасининг умумий асослари.

II. Мусиқа таълими ва уни ўқитиш назарияси. (Мусиқа дидактикаси.)

III. Мусиқа тарбияси назарияси.

IV. Мусиқа таълими ва тарбияси тизимида ташкиллаштириш ва бошқарув.

### **Намунавий мавзу режаси**

*Бўйимлар ва мавзулар номи*

*Мусиқа педагогикасига кириши.*

Мусиқа санъатининг педагогик асослари ва муаммолари. Мусиқа педагогикаси фан сифатида. Унинг асосий атамалари ва тушунчалари.

#### *I. Бўйим. Мусиқа педагогикасиганг умумай асослари*

1. Мусиқа педагогикаси фани. Мусиқа педагогикаси тарихидан.

2. Шахснинг мусиқий ривожланиши, тарбияси ва шаклланиши.

3. Мусиқий-педагогик жараёни.

#### *• II. Бўйим. Мусиқа дидактикаси*

(Мусиқа таълими ва уни ўқитиш назарияси)

1. Мусиқа дидактикаси мақсад ва вазифалари. Мусиқа таълимийнинг мазмуни.

2. Мусиқага ўқитиш жараёни.

3. Мусиқага ўқитиш принциплари ва методлари.

4. Мусиқага ўқитиш шакллари.

#### *III. Бўйим. Мусиқа тарбияси назарияси*

1. Мусиқий-тарбиявий жараёнининг моҳияти ва қонгуниятлари.

2. Мусиқа тарбияси принциплари ва методлари.

3. Мусиқа воситасида дунёқарашни шакллантириш, аҳлоқий, жисмоний тарбиялаш.

4. Эстетик, бадний, мусиқий тарбия.

IV. Бўйим. Мусиқа таълими ва тарбияси тизимиши ташкил этиши ва бошқаруши

1. Мусиқа таълими ва тарбияси тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг умумий асослари.
2. Таълим ва тарбия бошқарувини тизимларида мусиқачининг педагогик феолияти ва вазифалари.
3. Ўзбекистон Республикасида мусиқий таълим ва тарбиянинг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиши истиқболлари.

“Мусиқа педагогикасига кириш”, мусиқа педагогикаси бўйича кириш маъruzalariда мусиқа педагогикасининг таянишларидан, назарий, тарихий, методик, амалий асослари кўриб чиқилади. Ушбу бўлимдаги юқори малакали мусиқачиларни профессионал тайёрлаш масалалари ўртага ташланади ёки умумий мусиқа тарбияси масалалари ажратиб кўрсатилади. Профессионал мусиқачини қандай тайёрлаш керак? Профессионал мусиқий таълимдаги қайси методлар энг самарали ҳисобланади? Аҳолининг кенг оммасига жаҳон ва ватанимиз мусиқа санъати ютуғларини қандай қилиб етказиш ва уларни қизиқтира олиш мумкин? Умумий мусиқий тарбиянинг қайси шакл ва методлари етарлича самара беради? Мусиқа педагогикасининг аниш шу ва бошча барча саволлари биринчи машғулотларда муаммо, баҳс хусусиятига зга бўлиши дозим. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мазкур масалаларни ҳал этиш билан мусиқа педагогикаси фани шуғулланади.

Мусиқа педагогикасининг фан сифатида шаклланиши ўзига хос характеристерга зга. Бу мусиқа санъатининг ўзига хос хусусиятлари, унинг товуш, мусиқий инфодавомийлари, ҳар бир тингловчининг мусиқани ўзига хос тарафа ижодий ва индивидуал қабул қилиш қобилияти билан боғлиқ. Юқорида айтилганидек, мусиқа педагогикасининг фан сифатида шаклланишин учун умумий педагогикада ишлаб чиқилган таркиб ва назарий қонуният игона ўюнтирувчи методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Умумий педагогиканинг методологик базасига таянган ҳолда мусиқа педагогикасининг асосий атамалари ва тушунчаларини ажратиш мумкин. Улардан асосийларини көлтирамиз:

*Мусиқа педагогикаси* — мусиқа таълими ва тарбияси ҳақидаги фан.

*Мусиқа педагогикаси ўрганадиган мавзу* — мусиқий таълим, тарбия бериш, шахснинг мусиқий ривожланиши жараёнларининг можияти ва қонуниятлари.

*Мусиқа педагогикасининг соҳа ва йўналишилари:*

Мусиқа педагогикаси тарихи

Халқ мусиқа педагогикаси (музиқа этнопедагогикаси)

**Мусиқа педагогикаси**

**Умумий мусиқа тарбияси педагогикаси**

**Махсус мусиқа таълими педагогикаси**

Хусусий мусиқа педагогикаси ёки мусиқа таълими фанларига онд методикалар (вокал педагогикаси, фортепиано педагогикаси, турли чолғу асбобларида чалишни ўргатиш методикаси ва ҳ.к.).

*Мусиқа педагогикаси бўйимлари:*

I. Мусиқа педагогикасининг умумий асослари.

II. Мусиқий таълим ва мусиқа ўқитиши назарияси (Мусиқа дидактикаси).

III. Мусиқий тарбия назарияси назарияси.

IV. Мусиқа таълими ва тарбияси тизимини ташкил этиш ва бошчариш.

*Мусиқа таълими* – тизимлашрилган (тартибга солинган) мусиқий билимлар, малака ва кўнинкамаларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси, шунингдек мусиқа билим юртлари тизими.

*Мусиқа ўқитиши* – ўқитувчи раҳбарлиги остида мусиқий билимлар, малака ва кўнинкамаларни эгаллашниң махсус ташкил этилган жараёни.

*Мусиқа тарбияси* – шахснинг мусиқа маданиятини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

*Мусиқий ривожланиши* – инсон мусиқа маданиятни ва мусиқий қобилияtlарининг ҳар томонлама ривожланиш жараёни.

“Мусиқа педагогикасининг умумий асослари” деб номланган I бўйимда мусиқа педагогикаси фани, мусиқа педагогикаси тарихи, шахснинг мусиқий ривожланиши, тарбияси ва шаклланиши, шунингдек мусиқий педагогик жараёни мусиқа педагогикаси ўрганадиган асосий мавзуу каби масалалар кўриб чиқилади.

Мусиқа педагогикасининг мавзуси шахснинг мусиқий тарбияси таълими ва ривожланиши жараёнларининг қонуниятлари ҳисобланади. Унбу жараёнларининг ҳар бир ўзига хос ва алоҳида хусусиятларга эга. Мусиқа тарбияси жараёни инсон мусиқа маданиятининг умумий, шахсий асосларини шакллантиришга, мусиқа ўқитиши жараёни эса муайян мусиқий билимлар, малака ва кўнинкамаларни эгаллашга йўналтирилган. Мусиқий ривожланиши жараёни ҳар бир алоҳида инсоннинг мусиқа маданиятни ва мусиқий қобилияtlари ҳамда рухий-физиологик имкониятларининг умумий ўсиб бориши билан боғлиқ.

Мусиқа педагогикаси тарихи ер куррасида инсоннинг пайдо бўлиши, педагогиканинг шаклланиши, мусиқа маданиятининг инсоний турмуш тарзи сифатида вужудга келиши билан боғлиқ қадимий манбаларга эга. Мусиқа педагогикасининг ривожланиши қадимий даврлардан бошланган

ва, ҳозирги кунгача давом этмоқда: Қадимий дунё (Миср, Сурия, Ҳиндистон, Хитой), Антик Юнонистон, Рим (Фисогурс, Сукрот, Демокрит, Афлотун, Арасту ва б.). Қадимий Хоразм, Эрон, "Авесто", қадимий турклар — Хувину, Турк хоқонлиги, Араб Ҳалифалиги, қуръони Карим, Ҳадислар, Ўйғониш даври, Ўрга аср Шарқи (Форобий, Ибн Сино, Кайковус, Марғий, Жомий, Навоий, Кавқабий, Дарваш Али ва б.), ҳалқ, мумтоз шарқ мусиқаси шаклланиши, қўшиң, апулла, катта ашула, достон, мақом, хоразм нота ёзуви. Европада нота ёзувининг пайдо бўлиши (Гвидо Аретинский), педагогиканинг фан сифатида шаклланиши (Ян Амос Коменский, Песталоцци, Дистерверг ва б.), классик мусиқа даври (Бах, Гайдн, Моцарт, Бетховен ва б.), жадидлар педагогикаси, уларнинг янги услубдаги мактаблари (Мунавварқори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Зафарий ва б.), "устоз-шогирд" мусиқа таълимни тизими (Абдулазиз Расулов, Уста Олим Комилов, Юнус Ражабий, Турғун Алиматов ва б.), жаҳон умумий, болалар мусиқа тарбияси тизимлари (Карл Орф, Золтан Кодай, Д. Кабалевский ва б.), профессионал мусиқа таълимининг жаҳон мактаблари (К.Н.Игумнов, А.Б.Гольденвейзер, Г.Г.Нейгауз, Л.С.Ауэр, А.И.Ямпольский, П.С.Столярский ва б.). Ўзбекистонда маҳсус мусиқа таълимининг шаклланиши. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ҳалқ консерваториялари. Бухорода Фитратнинг Шарқ мусиқа мактаби (1921). Ўрга ва олий маҳсус мусиқа таълимининг ташкил топиши. Ҳамза номидаги Республика маҳсус мусиқа коллежи, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва уларнинг профессор-ӯқитувчилари. Мусиқа, педагогика илмий-тадқиқот ва малака ошириш институтлари. Умумий мусиқий тарбия шакллари. Мусиқа таълимни ва тарбиясининг замонавий ютуқлари. Ўзбекистонда замонавий мусиқа таълимни тизими.

Шахснинг мусиқий ривожланиши, тарбияси ва шаклланиши мусиқа педагогикасининг умумий асослари бўлими бош мавзулари ҳисобланади. Иисоннинг мусиқий ривожланиши унинг мусиқий қобилиятлари ва мусиқа маданиятининг бир бутун ташкил топиши ва шаклланиши жараёни сифатида намоён бўлади. Мусиқий ривожланиш — бу шахс мусиқа маданиятининг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишдаги тұғма ва үзлаштирилган, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ҳар томонлама такомиллапуви.

Бу жараёнда мусиқий мерос масаласи мухим қизиқиш уйғотади. Үёки бу мусиқий фаолиятда мусиқий қобилият ва иқтидорнинг наслдан-наслга ўтиши кам ўрганилган муаммолардан ҳисоблади. Бироқ, мусиқа тарихидан биз мусиқага оид қасб ота-оналардан фарзандларга ўтган күнлаб мусиқий сулолаларни биламиз. Ирсиятни ўрганиши билан генетика

фани шуғулланади. Бу жуда мұраккаб жараён бўлиб, генетиканинг маълумотларига кўра организмнинг хусусиятлари наслдан ўтадиган генетик кодда шифрланган. Инсонга ташқи хусусиятлар ҳам ички хусусиятлар ҳам насл орқали ўтади. Мусиқий мерос ўтиш масалаларини ўрганишда мусиқа педагогикасининг физиология, психология, генетика, кибернетика ва информатика фанлари билан алоқаси кўп фойда келтириши мумкин. Лекин қатор авлодларда истеъдод соҳиблари, даҳо мусиқачиларни пайдо бўлиши нафақат ирсиятта, балки улар ҳамда уларнинг ота-оналари яшаган ва тарбияланган мухитта ҳам боғлиқ.

Педагогикада мухит деганда атрофдаги тарбияловчи воқелик тушунилади, мана шу шароитда инсон ривожланади, унинг шахси шаклланади. Инсонни ҳаётга, меҳнатта тайёрлаш, шахснинг мусиқий шаклланиши мазкур жамиятда қабул қилинган муайян миллий маданий, мусиқий анъаналарга жавоб берадиган, ахлоқ нормалари ва қоидаларига риоя қилиш асосида амалга оширилади. Шу матьнода, масалан, шарқ мусиқаси фарб мусиқасидан фарқ қиласи, дунёдаги турли ҳалқларнинг мусиқаси ўзининг миллий хусусиятларига эга ва ҳ.к. Бироқ, тилдан фарқли равишда мусиқа ҳамма учун тушунарлар, байналмилал (интернационал) хусусиятта эга.

Шунга асосан, турли ҳалқларнинг мусиқа санъати воситасида шахснинг мусиқий шаклланиши ҳам байналмилал хусусиятта эга. Шахснинг мусиқий шаклланишида инсон ўзини ўзи мусиқий тарбиялаши ва такомиллаштириши ҳақида фаол ўйлай бошлаган давр катта аҳамиятта эга. Унинг ўзи ўз шахсини фаол шакллантиради.

Инсон ўзининг мусиқий ривожланишида қатор ёш босқичларидан ўтади. Инсоннинг ёшга хос умумий хусусиятларини ўрганиш билан психологиянинг маҳсус соҳаси – ёш психологияси шуғулланади. Энг умумий кўринишда мактабгача ёш, мактаб ёши, ўсмирилик ва ижтимоий етуклик даври каби ёш босқичлари ажратилади. Шу асосда қўйидаги ёш даврларини ва уларга мувофиқ таълим-тарбия муассасаларини кўрсатни мумкин:

#### *Мактабгача ёш*

1. Илк болалик – 3 ёшгача (ясли);
2. Мактабгача давр олди – 3 ёш (ясли ёки болалар боғчаси, кичик гурӯҳ);
3. Мактабгача давр – 4 ёш (болалар боғчасининг ўрта гурӯҳи), 5 ёш (катта гурӯҳ), 6 ёш (тайёрлов гурӯҳи).

#### *Мактаб ёши*

1. Кичик – (I–IV) бошлангич мактаб.

2. Ўрта (ўсмирилик) – (V–IX синф) таянч (ўрта) мактаб.
3. Катта (ўспирииылник) – (X–XII синфлар) академик лицей ёки касб-хунар коллежлари.

Ушбу ёш даврларида шахснинг мусиқий ривожланиши турли босқичлардан ўтади. Чақалоқлик, гұдаклик ёшида, ҳаётининг биринчи йилида бу күпроқ она айтадиган алла қўшиғи ҳамда болани ўраб турган мусиқий мұхит билан боғлиқ. Ҳаётининг иккинчи ва учинчىй йилларида, бола юра бошлаганда, у катталар ортидан айрим мусиқий ва қўшиқ жумлаларини тақрорлай олади. Бу ёшда ритмик эшитиш қобилияти фаол ривожлана бошлайды, бу болага мусиқаны алоҳида ритмик ва рақс ҳаракатлари билан ифодалашга имкон беради. Уч ёшда, бола “ўзининг “мен” ини англаб етга бошлаганда, унинг истаклари ва “мен ўзим” каби талаблари ифодаланган кескин вазиятларда, ота-оналар уни мусиқага ошно қылыш имконияти ҳақида ўйлай бошлайдылар. Болани уй шаронгидан мусиқа мактабига жойлаштиришга тайёрлаш, мусиқа ўқитувчиси билан ўтказиладиган хусусий машғулотлар ва болалар боғчасидаги мусиқа машғулотларида амалга оширилади. Бопланғич мактабнинг биринчи синфларида боланинг овози ҳали заиф, нафаси қисқа бўлади, у қўшиқ сўзларини кўйлашдан кўра кўпроқ “сўзлаётганга” ўхшайди. Шунинг учун кичкентойлар учун қисқа жумлали ва ёрқин ифодавий мазмунли қўшиқлар ташлаш лозим, бу уларда қўшиқча иисбатан эътибор ва қизиқиши ўйғотади. Чолғу асбобларининг жўрлиги, кўп овозларини улар ҳали “шовқин” сифатида қабул қиласидар, улар таркибидағи аккордлар ва товушиларини ҳозирча англаб етмайдылар. Бироқ, шунга қарамасдан, ўқитувчи нафас, хуноҳанг, мулоим овоз, легато устида ишлапни керак ва жамоя бўлиб кўйлашга кўновозлилик унсурларини киритиш лозим. Мусиқий ривожланишдаги навбатдаги кескин давр ўсмирилик ёши (12–16 ёш) ҳисобланади. Бу ёш овознинг ўзгариши (мутацияси), овоз аппаратининг ёш билан боғлиқ ўзгаришига хос. Одатда, овоз мутацияси даври 13–15 ёшга тўғри келади. Қиз болаларда мутация даври эртароқ бопланади ва ўғил болаларга иисбатан сезиларсиз ўтади, ўғил болаларда овоз пайчалари анчагина йирнилашади, шу сабабли овоз бузилишлари яққол сезилади. Овоз пастлашиб, кўкрак резонатори қўшилган ҳолда йўғонлашади. Авваллари мутация даврида қўшиқ кўйлаш зарарли ҳисобланган. Лекин, вокал таълимнинг замонавий назария ва методикаси мутация даврида тесситура ва диапазонни ҳисобга олган ҳолда қўшиқ кўйлаш овознинг табиий ёшга хос ўзгаришига изжобий таъсир кўрсатишини исбог қўлмоқда. Педагогикада ўсмирилик ёши қийин давр ҳисобланади, чунки ўсмириларда

нигилистик майл, ҳамма нарсаны, айниңса тарбиявий таъсирларни инкор қилиш устулини қиласы. Бу даврда шахс шаклланишининг табиий жараёни кечади. Ўсмирнинг ўзи у ёки бу жүринишга ишонч ҳосил қилиши, уни ўзи билан тақдослаши, шу йўл билан, нимага қодир эканлигини, бу ҳаётда қандай қилиб маҳкам ўрнашишни билиши керак. Навбатдаги ёш даври ўспириилик, мусиқа лицеей ёки мусиқа коллежи даври бўлиб, бўлажак қасб танлаш билан бевосита боғлиқ. Бу даврда ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича тарбиявий иш катта аҳамиятта эга бўла бошлияди. Мусиқа тарбиясида, шунингдек шахсни ҳар томонлама – маънавий, аҳлоқий, ағлий, меҳнат, астетик ва жисмоний ривожлантиришни ёддан чиқармаслик керак.

Мусиқий-педагогик жараён мусиқа педагогикаси ўрганадиган асосий мавзу ҳисобланади. Кенг маънода бу жараён мусиқа таълимининг бутуни тизимини қамраб олади, тор, соҳага оид зарур маънода эса зарур мусиқий билим, кўнишка ва малакаларни шакллантиради. Мусиқий-педагогик жараён кечадиган тизим сифатида кенг маънода унга халиқ таълимининг бутуни тизими – болалар боғчалари, мактаб, синф, тўтараклар, ижодиёт уйлари ва бошқалар киради. Жараённинг ўзи тарбиячи ва тарбиялдувчининг ўзаро алоқаси ва бирлигига амалга оширилади. Мусиқий-педагогик жараённинг асосий таркиби қисмлари мусиқа таълими ва мусиқа тарбияси жараёнлари саналади, улар шахсни мусиқий билимдонослик, мусиқий тарбиялилик ва мусиқий ривожланишининг ички ўзгаришлар жараёнларига олиб боради.

Мусиқий-педагогик жараён ўзининг қонуниятлари, шакллари, босқичлари, услублари, умумий ва маҳсус, якка ва жамоа, назарий ва амалий, концерт ва мустақил мусиқий машгулотларига эга. Мусиқий-педагогик жараённинг қонуниятларини аниқлаш учун ушбу барча алоқаларни таҳурил қилиши талиб этилади. Бу алоқаларни бир бутун ҳисобга олиш узарнинг бирлигига, жамнит эҳтиёжларига боғлиқлигига, миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг тараққиётига олиб келади.

Мусиқий-педагогик жараёнда мусиқа ўқитувчиси шахсига катта аҳамият берилади.

“Мусиқа дидактикаси” (Мусиқа таълими ва уни ўқитиш низарияси) иомни II бўлимда қўйидаги масалалар кўриб чиқилади: мусиқа дидактикаси маъсад ва вазифалари, мусиқа таълими, жараённи, пропагандаги методлари ва мусиқага ўқитни шаклларининг мазмуни.

“Дидактикос” (юнонча) – ўргатувчи демакадир.

Педагогика тарихидан ёшларга таълим ва тарбия беришга бағишланган кўплаб асарлар бизга маълум. Масалан, мазкур кўлланмада

ХI асрда яратылған Кайковуснинг “Қобуснома” номлы дидактикасары тұғрисида сүз қорытылады. Яи Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика” (1633—1638) асарыда педагогика фанининг соңасы сифатыда дидактика илк бор илмий жиһатдан асослаб берилған. Үшандан бүен күпілаб олимлар дидактика масалалари устида иш олиб бордилар. Ҳозирги вақтда дидактика таълим ва ўқытишининг умумий назарияси сифатыда қаралады. Шунингдек, биз ушбу құлланмада мусиқа дидактикасини мусиқа педагогикасига нисбатан күриб чиқамиз ва таърифлаймиз.

*Мусиқа дидактикасасы* — мусиқа таълимии ва уни ўқытишининг умумий назарияси.

*Мусиқа дидактикасасының үрганиши предмети* мусиқа таълимининг мазмұни, мусиқа ўқытиш жараёни ва унинг қонуниятлари ҳисобланады.

Мусиқа дидактикасасы мусиқа таълимии ва мусиқа ўқытишининг умумий назарияси сифатыда мусиқа таълимиңдагы барча фанларни ўқытишпа хос бўлған умумий қоидалар ва қонуниятларни кўриб чиқади. Шунингдек, фанларига оид методикалар ёки хусусий дидактикалар мавжуд (масалан, фортецианода чалишни ўргатиш методикаси, гармония, полифонияни ўқитиш методикалари ва б.). Мусиқа дидактикасасы ва унинг фанларга оид методикалари бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ. Мусиқа дидактикасасы фанларга оид методикаларга таянади ва бир вақтнинг ўзида уларни бирлаштиради. Мусиқа педагогикасасыда мусиқа дидактикасасының қуйидаги асосий мазмұни, бўлимлари категорияларни ажратиш мүмкін: мусиқа ўқытиш жараёни, мусиқа ўқытиш принциплари, мусиқа таълимии мазмұни, мусиқа ўқытиш методлари ва мусиқа ўқытиш шакллари.

*Мусиқа ўқытиши жараёни* — бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мұайян мақсадда қаралған биргаликдаги ўзаро ҳаракати бўлиб, бу жараёнда мусиқа таълимии, тарбияси ва шахснинг мусиқий ривожланиши амалга оширилади. Шу билан бирга, мусиқий таълим вазифаси ушбу жараён учун айниқса ўзига хосдир. Бу жараённинг асосий тарқибий қисмлари — ўқытиш (бу ўқитувчи фаолияти) ва ўқыш (ўқувчи фаолияти) ҳисобланади. Уларнинг дидактик ўзаро таъсирисиз мусиқа ўқытиш жараёни бўлмайди. Мусиқа ўқытиши жараёни мусиқа ўқытиши қонуниятлари ва принципларига мустаҳкам таяниши лозим, улар ўқувчининг имкониятлари ва мусиқий иштидорига асосланади, бу эса зарур мусиқий ўргатувчи репертуарни түғри таңлаш имконини беради.

*Мусиқа ўқытиши принциплари* энг мухим мусиқий-дидактик қоидалар ва талаблар тизимини ўз ичига олади, уларга риоя қилиши мусиқий ўқув жараёнинин самарали кечишини таъминлады. Ўқытишининг умумпедагогик принциплари (илмийлігі, қулайлігі, тизимлілігі,

изчиллиги, ўқитишининг ҳаёт билан боғлиқлиги, кўргазмалилиги, мавхумлиги, онглилиги, фаоллиги, тарбиявий хусусияти, билим ва малакаларнинг пухталиги)дан ташқари мусиқа ўқитишининг қўйидаги маҳсус принциплари риоя қилиш керак:

- мусиқа ўқитишининг ўқувчиларнинг табиий истеъоддлари, иқтидори ва улардаги мавжуд мусиқий қобилияtlарга боғлиқлиги;
- мусиқани қабул қилиш, эшигиш, овоз ва ижрони ривожлантиришини бир бутунилиги;
- ҳиссий ва рационал, бадний ва техник, шакл ва мазмун каби жиҳатларнинг ўзаро таъсири ва бирлиги;
- жамоавий ва якка мусиқий машғулотлар, мусиқий ва умумтаълим фанларининг ўзаро боғлиқлиги;
- мусиқий қобилияtlар (товушнинг баланд-пастлигини, ритм, лад, тембр, кучини, куй, кўповозлик, аниқ ижро, мусиқий хотиранинг хусусият шакли, мазмунини ҳис этиш)ни уйғун ҳолда ривожлантириши.

*Мусиқа таълимининг мазмунни мусиқий билимлар, малака ва кўниkmаларнинг педагогик тизимидан иборат бўлиб, уларни ўзлаштириш ўқувчиларнинг мусиқа маданияти ва мусиқий қобилияtlарни ривожланишини таъминлайди.*

*Мусиқий билимлар* – мусиқа маданиятининг тўплланган тажрибаси ва унинг инсон онгида тўғри акс этиши.

*Мусиқий кўниkmалар* – мусиқа санъатидаги ғайрииҳтиёрий етказилган маҳсус ҳаракатлар.

*Мусиқий малакалар* – мавжуд мусиқий билим ва кўниkmалардан тўғри ва самарали фойдаланиши.

Мусиқа таълимининг мазмунин ижтимоний буюртманинг, жамиятини мусиқий билимдон инсон нималарни билиши ва уddyalай олиши, қандай ҳислатларга эга бўлишига нисбатан жамият қўядиган талабларнинг педагогик нуқтаи назардан амалга оширилиши сифатида қаралади.

Мусиқа таълимининг мазмунини акс эттирадиган меъерий ҳужжатлар – “Таълим тўғрисида”ги қонун, Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дистурлар, дарслеклар, ўқув кўлланималари, нота тўпламлари, хрестоматиялар, фонокрестоматиялар, ўқув видео ва аудио ёзувлари ва б.

*Мусиқа ўқитиши методлари* – бу ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг мусиқа таълими масалаларини ҳал этишга қаратилган (услублари, йўллари) тартибга солинган ўзаро боғлиқ фаолият тарзи.

Умумий педагогикада асосий таснифлардан бирида таълимининг оғзаки, кўргазмали ва амалий методлари ажратиб кўрсатилган. Ялип ёнданшиша эса таълим методларининг учта умумлантирувчи гурӯҳлари кўриб

чиңилади: 1. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари; 2. Ўқув-билиш фаолиятни кучайтириш ва асослаш; 3. Ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

Мусиқа таълимида ўқитиш методларини яна мусиқий фаолият турлари (асар яратиш, ижро этиш, тинглаш)га, шунингдек тадбирлар турига – танловлар, концерт, имтиҳон, фестиваль, байрам, мастер-класслар (устозлик синфи) ва бошқа турларга мувофиқ ажратиш мумкин. Мусиқа ўқитиш услублари ўқитувчидан ўқувчига, шунингдек очиқ мастер-класслар ва ўқув-услубий адабиётлар орқали ўтади.

*Мусиқа ўқитушини шакли деб мусиқа ўқитувчиси ва ўқувчиларнинг белгиланган ва муайян тартибда амалга ошириладиган фаолиятига айтилади.*

Мусиқа ўқитишнинг асосий шакли мусиқа дарси ҳисобланади.

Махсус мусиқа таълими тизимида бу мусиқа асбобида ижро этиш, ёки мусиқа дарслари (умумтаълим мактабларида), махсус мусиқа таълимидағи гурӯҳ машғулотлари, унда мусиқа машғулотлари доимий таркибдаги, бир хил ёшдаги ва тайёргарлик даражасидаги ўқувчилар түрүзи билан муайян вайт давомида ва белгиланган жадвал асосида ўтказилади. Ўқитувчи дарсга йиллик ва тақвим режалар, ўқув дастурларидан тортиб, то дарс режалар, конспект ва ҳисоботларгача, барча зарур ҳужжатларни тайёрлайди.

Мусиқа дарсидан ташқари синфдан ташқари ва мактабдан ташқари мусиқа тұрақтаратындықтарының, шунингдек концертларга, мусиқий спектаклларга, музейларға тапсриф, мусиқачайлар, бастикорлар билан учрашывлар, кечалар, байрамлар, дискотекалар мавжуд.

"Мусиқа тарбияси назарияси" номли III бўлимда мусиқий-тарбиявий жараённинг моҳияти ва қонуниятлари масалалари, мусиқа тарбиясининг принципиелари ва услублари, мусиқа воситасида дунёжарашни шакллантириши, ахлоқий, меҳнат, жисмоний, эстетик, бадний ва мусиқа тарбияси мавзулари ўрни олган.

*Мусиқа тарбияси* – бу шахснинг мусиқа маданиятини шакллантирушига қаратилган жараёндир.

Мусиқа тарбиясининг моҳияти ва қонуниятни биринчи навбатда, шахс шаклланышининг ажралмас қисми бўлиб, у кишилик жамияти тараққиётидаги табиий қонуниятдир. Агар мусиқага ўргатини ва мусиқа

таълими жараёни мұайян мусиқий билим, күнікма ва малакаларни ўзлаштириш ва шакллантириш (яғни мусиқий билимлар мажмунин әгаллаш жараёни)га қаратаған бўлса, мусиқа тарбияси бу шахсни маънавий, ақлий, жисмоний, эстетик, бадиий тарбиялашла, инсоний фазилатларни шакллантиришда мусиқа маданиятини таркиб топтириш жараёнидир. Бу ерда мусиқа тарбияси мусиқа таълимига нисбатан кенгроқ тушунчадир.

Шундай қилиб, мусиқа тарбияси бу шахс бир бутун шаклланшишинг ажралмас қысмидир.

Бевосита мусиқа тарбияси жараёнининг қонуниятлари орасидан қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мусиқа тарбиясининг жамият мусиқа маданиятiga боғлиқлиги;
- мусиқа тарбиясининг мусиқага таълими ва шахснинг мусиқий ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро алоқаси;
- мусиқа тарбияси самарадорлигининг мусиқий фаолиятнинг онглилигига боғлиқлиги;
- мусиқа тарбиячисининг тарбияланувчи билан ўзаро алоқаларининг мустаҳкамлиги.

Баъзан мусиқа тарбияси атамасини тор маънода болалар боғчалари ва умумтаълим мактабларида амалта ошириладиган умумий мусиқа тарбияси сифатида маҳсус мусиқа таълимига қарама-қарши қўйиб изоҳлайдилар. Шунингдек, оиласидаги мусиқа тарбияси ва ўз-ўзини мусиқий тарбиялашни ажратиш мумкин.

*Мусиқа тарбияси принциплари* мусиқий-педагогик жараёнининг барча томонларини, унинг моҳияти ва мақсадларини қамраб оладиган талаблар ва асос қилиб олинган қондалардир. Мусиқа тарбияси принциплари, биринчи навбатда, умумий педагогикада шаклланган қўйидаги тарбиялаш принциплари тизимига таяниди: тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, ғоявий-аҳлоқий, маънавий тарбия, тарбияга комплекс ёндашув, онг ва ахлоқнинг бирлиги, меҳнат, жамоа воситасида тарбиялаш, шахсга висбатан ҳурмат ва оқилюна талабчанлик, ёшга хос ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, педагогик таъсирларнинг изчиллиги ва тизимлilikti. Мусиқа тарбияси принциплари орасидан қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: илмий мусиқа маданияти ва унинг анъанааларига таяниши, жаҳон классик мусиқаси ва мусиқа педагогикаси замонавий ютуқларининг ўзаро алоқаси. Умумий ва мусиқа тарбияси принципларига амал қўйган ҳолда, педагог ушбу жараёнининг самарадор, илмий асосланган ва бопшариладиган бўлишига эришади.

*Мусиқа тарбияси методлари* – тарбияловчи ва тарбияланувчи...

ўзаро боғлиқ фаолиятининг асосий усуллари бўлиб, улар мусиқа тарбияси масалаларини ҳал этишга қаратилган. Умумий педагогикада қўйидаги тарбия методлари ажратилиди: ишонтириш, машқ, рағбатлантириш ва жазолаш, шунингдек ўқувчиларда қарашлар ва эътиқодни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳиссияти ва иродасига таъсир этиш ҳамда бошқа тарбия методлари. Тарбия методларини тарбия воситаларидан фарқлаш керак, уларга, бир томондан, фаолиятининг турли хиллари (ўйин, ўқув, меҳнат ва ҳ.к.), киради, бошқа томондан – бу моддий ва маънавий маданиятнинг предметлари ва асарлари мажмуи (кўргазмали қўлланмалар, бадний ва илмий-оммабон адабиётлар, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.).

Мусиқа педагогикасида тарбия методлари мусиқа санъати асарлари, уларнинг шакллари, жанрлари, миллӣ ва маданий ҳусусиятлари билан боғлиқ бўлган аниқ кўринишга эга бўлади. Шу тарзда ўқувчида ҳалъ, миллӣ, мумтоз ва замонавий мусиқага бўлган муносабат шаклланади. Махсус мусиқа тарбияси методлари умумий мусиқа тарбияси методларидан ҳажми, амалга оширилиш даражаси ва ҳусусияти билан фарқ қиласди. Шунингдек, биз турли даврлардаги мактаблардаги тарбия методларини ва мусиқа фаолиятининг турларини фарқлаймиз. Инсоннинг мусиқий тарбияланганинига нафақат унинг мулоҳазаларида ва мусиқа санъатига оид билимларида, балки, шунингдек, бир бутун мусиқа маданиятига ишбатан муносабатида ва унга эришганинига намоён бўлади.

Шундай қилиб, мусиқа педагогикасида умумпедагогик асосда *музиқа тарбиясининг қўйидаги методларини ажратиб кўрсатиш мумкин*:

- ҳали; мусиқаси анъаналарига асосланган тарбия методлари;
- умумий ва махсус мусиқа тарбияси методлари;
- миллӣ мусиқа санъати ва маданияти билан таништириши методлари;
- ахлоқ, мусиқа асарларини тинглаш ва ижро этиши маданияти методлари.

Педагогикадаги тарбия методлари, шакллари ва воситалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар таълимда биз ўқитиш шаклларига аниқ таъриф бера олсак ва, дейлик, таълимнинг дарс шаклини ажратсак, тарбияда эса шакл баъзан тарбия методлари ва воситалари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, тарбияни ташкил этишининг синфиши, тарбия соатлари ва мактабдаги дарслар, маътузалар, баҳслар, шахсий намуна, тоғшибирчлар, мусобақалар ва б. кабин шакл ва воситалари; мусиқий тарбиядаги мусиқа тўғареклари, кечалар, концертлар, танловлар, фестиваллар, бастакорлар, таникли мусиқачилар билан учрашувларини ҳамда ва мусиқий

тарбиянинг бошқа шакл ва воситаларини бир вақтнинг ўзида мусиқа тарбияси методлари қаторига киритиши мумкин.

Мусиқа воситасида дунёқарашни, аҳлоқий, маънавий, ақлий, меҳнат, жисмоний тарбияни шакллантириш ўзига хусусиятларга эга. Дунёқараш деганда биз инсонни ўраб турган воқеликнинг турли-туманлигига нисбатан унинг муносабати ва қарашларини тушунамиз. Аҳлоқий, маънавий тарбия инсонпарварлик, аҳлоқ, инсонга, унинг маънавияти, ният ва ҳаракатларининг поклигига ишонч, жамиятахлоқ нормаларини ишлаб чиқиш, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, байналмилаллик ва бошқа тушунчалар билан боғлиқ. Мусиқа санъати ана шу ҳиссиятларни товушли бадиий образларда ифодалайди. Мусиқий бадиий образларнинг нозиклиги, оҳангдорлиги, лириклиги энг нафис ва ноёб туйғуларга таъсир этиши имконини беради. Шу билан бирга, аниқ ритм, драматизм, оҳанглар кескинлиги, тантанаворлик, гармонияга бойлиги инсонда дадиллик, фурур, жасоратга, Ватанини ҳимоя қилишига тайёрлик туйғуларини уйғотади. Бошқа бир мусиқа хаёл суришга чорлайди, меҳнатда ёрдам беради. Булар мусиқанинг хусусиятига боғлиқ нарсалардир. Мусиқа билан бевосита шугулланиш эса катта маънавий, ақлий ва жисмоний меҳнат ҳисобланади. Мусиқа санъатида жисмоний тарбияга катта аҳамият берилади. Мусиқачининг иш тартиби, гигиенаси, жисмоний машқулар (хонандалардаги овоз аппарати; дамли чолғу созандаларида лаб, тил, нафас олиш; скрипкачилар, пианиночилар ва бошқа чолғучиларда қўллар ва уларнинг тўғри қўйиш, гавда, елкалар, бошнинг ҳолати) нинг барчаси жисмоний ривожланиш ва машқулар бажаришнинг алоҳида метод ва шаклларини, демак, мусиқачининг жисмоний маданиятини тарбиялашни талаб этади.

Эстетик, бадиий ибтидо мусиқа тарбиясининг асоси ҳисобланади. Эстетика инсоннинг ўзини ўраб турган воқеликка нисбатан бадиий изходиёт соҳасидаги қадриятларга оид муносабатларининг эстетик (ҳиссий) намоён бўлиши қонуниятлари ҳақидаги умумий фан. Кўпинча маълумотномаларда мусиқий тарбия эстетик, бадиий тарбиянинг бир қисми деб аталади. Ҳақиқатда ҳам шундай, чунки эстетика фан сифатида, шунингдек эстетик тарбия нуқтаи назаридан барча санъатлар ва бошқа ҳаётий воқеликлар учун умумий бўлган тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Эмоционал-ҳиссий сезирлик ҳамда гўзаллик ва бематнлилк, кўтаринкилик ва тубанилк, юксак бадиийлик ва қабиҳлик, ҳажвийлик ва фожиавийликка нисбатан баҳо берувчи мушоҳада юриттишини кўриб чиқади. Шу сабабли, табиийки, мусиқа санъати тасвирий санъат, театр, кино, рақс, адабиёт каби санъат турлари билан бир қаторда инсонни эстетик ва бадиий тарбиялашда катта аҳамиятта эга. Эстетик, бадиий тарбия санъат соҳасида дид, юксак

ғоялар, қобиляйт, мустақил ижод кабиларни шакллантиришга қаратылған. Бұ ҳәётимизни маңнавий жиһәтдан бойитади, уни мазмұнлы, янада гүзарпроқ на күттарникироқ қылади.

Мусиқа тарбияси – инсоннинг жамият мусиқа маданиятiga аралашып жараёнидір. Мусиқа тарбияси тизими умумий ва маҳсус мусиқа педагогикаси методлари мажмуасында асосланади. Болалар ва ўсмиirlарни мусиқага ошно қилишининг аесөй шакллари – мусиқа адабиётлари билан танишып (мусиқа асарларини тинглаш), изкочиликнинг түрли шаклларида (масалан, хор бўлиб куйлаш), мусиқали ўйинлар, мусиқий телевидение радиоэпитеттиришлар, мусиқа ҳақидағи китоблар, маърузалар<sup>1</sup>.

Мусиқа тарбияси мусиқаның табиий, мафтункор ва ижобий таъсир кучига асосланади. Она алласидан бошлаб қалбимизда мусиқа янграйди. Вольтер шундай деган әди: “Инсон қалбининг тубига фақат мусиқа стиб бориши мүмкин”. Абдулла Авлоний ўзининг “Мусиқа” номлы шеърида шундай ёзади:

Коинота чиң үйингдан, айлагил бир илтифот,  
Шаклингни күрганда, сендан руҳ қасб айлар ҳаёт.  
Нагмасозингдур мадори жисм, қудсий сўзларинг,  
Руҳбахшодур садо қылганда, Ҳижрон, қўзларинг.

Буюк педагог В.А.Сухомлинский “Мусиқа яхшилик, гүзарлик, инсонийликка даъват қилишининг энг мӯъжизакор, энг нағис воситасидир” деган ҳаққоний фикрни билдирган әди.

“Мусиқа таълимни тарбияси тизимидан ташкил этиш ва бошқариш” номлы IV бўлимда тизимнинг умумий асослари, алоҳида қисмлари, мусиқа ўқитувчилини тарбиячисининг вазифалари, мазкур тизимнинг замонавий ҳолати ва ривожланиши истиқболлари масалалари кўриб чиқылади.

Умумий педагогикада ушбу бўлим “мактабшунослик” деб аталади, чунки унда умумтаълим мактабларини бошқариш масалалари муҳокама қилинад. Мусиқа педагогикасининг мазкур курсида мусиқа таълимни ва тарбияси тизими бошқарувининг барча бўлинимлари: мактабгача мусиқа тарбияси (ясли, болалар борчалари), умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицейлар, коллеклар, олий таълим мұассасалари, болалар ижодиёт уйлари, студиялар, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш институтлари, шунингдек оиласда мусиқа тарбияси ва мустақил мусиқий билим олиш кабилар ёритилған.

Мусиқа таълимни тарбиясина ташкил этиш ва бошқаришининг мазкур бутун тизими мустаҳкам ҳуқуқий, методик ва ташкилий асосга эга.

<sup>1</sup> Музыкальное воспитание// Музыкальный энциклопедический словарь. М., 1990, с. 364.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни (1997), Кадрлар тайёрлаш мислий дастури (1997), мактабгача таълим муассасалари учун намунавий дастурлар – "Мактабгача ёшдаги болаларниң тайёргарлик даражасига ишбатан давлат талаблари" (2000), "Учинчи минг йылниңин боласи" (2000), "Мактаблар учун давлат таълим стандартлари" (1993), аспирантура ва илмий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовининг "Илмий-тадиқот фаолиятини ташкил этишини тақомиллаштириши тўғрисида"ги қарори (2002), мусиқачи-ижрочилар учун аспирантура дарёжасидаги логистичурли-стажировка, маликл ошириш институтлари ва факультетлари ишнин тақомиллаштириши бўйича турли қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йыл 8 июндан "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлани ва уларниң фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ва мусиқий таълим ва тарбия тизимининг ишончли фаолиятини таъминловчи бопкә кўплаб ҳужжатларни мисол қилиб келтириши мумкин. Унбу тизимнинг ҳар бир бўлинмаси ўз ишноми, ўкув режисси, дистурзи, дарсландир, кўлланмалар ва барча зарур меъёрий ва ўкув ҳужжатларига эга. Мазкур тизимга умумий раҳбарлик ва молиявий таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг соҳавий вазирлик ва идоралари – Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирликлари, шунингдек уларниң бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Мусиқа таълими ва тарбиясини ташкил этиши ва бошқарни тизимининг асосий тизмойинлари қўйицагилардан иборат: режалилик, марказлаштирилганлик, ҳисобот берини, жамият эҳтиёжларига боғлиқлик, иҶтисолий-методий ва кардлар билан таъминланганлик, мусиқий ва умумий таълим ва тарбия ишбатининг самарадорлиги, мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги мусиқий апъаналар ва замонавий жаҳон ютуқларини ҳисобга олиш.

Мусиқа ўқитувчиси ва тарбиячиси – бу ўзига хос касбdir. Истеъод, яхойиб мусиқий-ижрочилар кўнисмалари, мусиқа санъатига онд билимлари, педагогик маҳоратга эга бўлишдан ташқари, мусиқа ўқитувчиси ўқувчиларниң мусиқий қобилиятларини аниqlанига сезигирлик билан ёндашиши ва бу қобилиятларни самарали ривожлантириши учун зарур мусиқа репертуарини тўғри ташлаши керак.

Мусиқа тарбиячиси, раҳбари, мусиқа ўқитувчисининг ижодий фаслиятин маҳсулдор бўлишига ўкув адабиётлари, шунингдек маҳсус меъёрий, ўкув

хужжатлари: ўқув режкалари, дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, ишта тўлишимлари, фонотрекомпактлари, шунингдек тақуим режкалари, шире режкални дарс конспектлари, журнallлар, тестлар, рейтшиглар, хисоботлар ва бошقا шу кабиллар ёрдам беради. Унбу ёзма ҳисобот кўпинча ижодий ходимга оғирлик қўлади. Аммо, педагогикада режкалаштирилган ва бажарилган иш, синф ва уй вазифалари, ўқувчиларининг эршиглар, ривожлантирилган ва ривожлантирилшин зарур бўлган мусиқий қўбалиятлари, ўтилган ва ўзлантирилшин мўлжалланган мусиқа материалини қатъий ҳисобга олмасдан ривожланишининг изчилиги ва узлуксилигинга раҳи қўлиб бўлмайди, бу иш мусиқа таълимни ва тарбиясини тапкил этиши ва бошчаринининг бутун тизими самарали ишлашини издан чиқаради. Унбу хужжатларни юритишга мусиқа ўқитувчи ва тарбиячилари мустақил иш жараёнигача, ўрга ва олий таълим муассасаларида ўқии даврида тайёрлаб борылади, иш жараёни эса мазкур муассаса раҳбарлари томонидан назорат қўдинади.

Ўзбекистон Республикасида замонавий мусиқа таълимни ва тарбияси миллий ва жаҳон мусиқа маънанинг тобора кўпроқ ўзлантирини йўзидан бормоқда, мусиқа педагогикасининг халқи амълананий шаклларини сақлашган ҳолда, унинг илғор замонавий шакл ва методлар жорий қўлнимоқда. Замонавий педагогик технологиялар рейтшиг, тест, ахборот, компьютер тизимлари — жонли товуни, акоили икро ва мусиқалаштиришда беносита иштирок этиши билан тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб бораётганлигини қўрамасдан, аввалингек мусиқа сангъатидаги янада кўпроқ эстетик завъи ўйғотмоқда. Афтидан, замонавий технологиялар ва мусиқа сангъатининг жонли хусусиятини умумий ишқатларини излаб тоини, уларнинг имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимни ва тарбияси борасида оммавий яхборот воситалари — радио ва телевидение, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, бошقا ижодий бирлашмалар, Ўзбекистон давлат консерваторияси, педагогика университетлари ва институтларининг мусиқа факультетлари ва бўлимлари ҳамда бошقا кўплаб олий ва ўрга маҳсус таълим муассасалари катта иш олиб бормоқдалар. Бу ишда “Соёлом авлод учун”, “Форум”, “Устоз” жамғармалари ва бошقا тапкилоглариниг кўрсатаётган ёрдамлари катта. 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида 1 октябрь “Устоз ва мураббийлар куни” сифатида ишонилаб келинмоқда. Республикашинг кўплаб мусиқачилари ва мусиқий жамоалари халқаро ташловларда, концертларда, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, фаҳрли “Гран-При” ҳамда лауреатлик дипломларини қўлга киритмоқдалар.

"Мусиқа педагогикасасы" мәзкур курсеннинг иловасида семинар манифөудлари учун тәхминий саволлар, китобнинг охирида эса зарур адабиётлар рўйхати берилган.

## II БОБ МУСИҚА ТАРБИЯСИДА БОЛАЛАР ҚЎШИҚЛАРИ

Мусиқа педагогикасининг болалар қўшиқларига иисбатан эътибори бешинч замене, чунки болалар қўшиқлари – бу мусиқа санъатининг энг оммавий, халиқил түрилдири. Қўшиқ ижрочилигидаги ҳам маҳсус мусиқа тарбияси, ҳам умумий мусиқа тарбияси соҳасидаги барча болалар иштирок этадилар. Болалар қўшиқлари шакл ва жанрларининг хилма-хиллиги мусиқий-педагогичк ишараларни туғли-тұман ташкил этип имконини беради. Мәзкур бобанинг асосий мақсади ушбу қўшиқ материалининг түрли тұмандығини, улар ичидан энг сара нақуналарини ажратиб қўрсатиш, үзарнинг педагогик, тарбияний имкониятларини белгилап, педагогларнинг ушбу материалдан тушунишлари ва алаб топишларига енгиллик яртышыдан изборатдир.

Болалар қўшиқлари мусиқа санъати тури сифатида халқ болалар қўшиқлари, шунингдек бастакорларнинг болалар учун яраттан қўшиқларидан ташкил тонган.

Халқ болалар қўшиқларининг қўйидаги асосий шакллари мавжуд: алла қўшиқлари – катталарнинг болаларга бағишилаган халиқил машиний қўшиқ изходиёти ва бевосита болалар қўшиқ изходиёти – болалар қўшиқ фольклори.

### Алла

Боланинг мусиқа тарбияси алладан бошланади. Мусиқа – бу ажойиб ва бетакор воқееликдир. У бизнинг ҳис-түйғуларимизни жупибунга келтиради, мусиқий бадий образларининг гүзарлығы билан завиғантариради ва қувонтиради, хаёлга чўмишта мажбур қиласади, маънавий юксалтиради ва фазилатларимизни оширади, рухдан поклайди, ҳаётимизга алоҳида маъно ва мазмун бахш этади. Мусиқа ўз мавжуддиги билан табиий моҳиятига эга. Авлюлдар томонидан тўпландиган мусиқа тажрибаси доимий равишда ўсиб, такомиллашиб бормоқда. Ушбу ривожланиши ва мусиқа маданияти, мусиқа санъатига ошию бўлиши жараённанда гўдакнинг мусиқа дунёсига кириб келишидаги илк қадамлари жуда муҳимдир: уларга алла каби амалий мусиқий-пектимоний жаңрни киритиш мумкин.

Алла – боланин үйқесини көлтирадыган шүнчаки құшиң әмас, балқы оның ал бола орысіндегі үзінгі хос мұносағаттарнинг университетті, астырлар давомида сайқалланған усулидір. Алла құшиңи ёрдамда иғодаланған бу мұносағаттар үтміншідегі ажгодиларнинг бор доноолигини она орқали болага үткіншігі ёрдам беради, уни тиңчланғыради, тарбиялайды, боланиннан ҳаётта табиий кириб келинішінде имкон яратади. Шу билдиң бирға, күпніча бу жараён аингланған, қыссый-эмоционал даражада амалға опады. Она нозық мусиқиң охандылар – бир маромдаги ритм ва фақат үзиң ҳис қыладынан кеңінмелар орқали болага үзіннинг әнг мұқалдағас, әнг загу түйрүларнин. орау алға истикларини етказады, аның шу аспекти уни мұстакиль үлгіттің тайёлайды.

Бу жараён фанда ҳалы жұда оз ўрганилған. Шунға қарамай, масалан, япон олимларнинг болани ҳомила ҳолатидан оқ тарбиялаш мүмкіншілігі алға залрурлығини асослаған берган тадқиқтандар ҳаммага мәттүлүм. Шунға үхшаш масалалар кам ўрганилған бўлинишінде қарамай, шу нарса аниқ, оның алдында, ушинш әкимли ва меҳрибон овози умримиздин охирнігача бизга ҳамроҳ бўлиб қолади. Яна шуниси ҳам мәттүлүмки, боланиннан келгүсінің тиңчиғынан үшін жиһадтдан оның үз боласында қынай алға айттынни ҳамда унға қандай маънно сингидирилишнің боғлиғи.

Демек, алла құшиңдарын үзиншінде амалий, тиңчлантирувчи, эркаловчы, ухлатутувчи вазифалардан ташқари, иншоғтада катта тарбияний ахамиятта ҳам ән. Бу үзінгі хос қыссыят психология, педагогика, физиология кабін фанлар томонидан үсіб келаёттан ән авлодни тарбиялаңда, шахсни ҳар томондама баркамол қылғын тарбиялаңда түркі ва самарали фойдаланып учун атрофлича талқын: этиленин ложим.

Боланин жилеменій алғаннан кейін тарбиясида аллани ахамиятты мұхымшылар қызығынан атқарып, Ибн Сино айттандек: “Гұдак миқозини мұстаҳкамловчы фойдалы воситалар қаторынан құйдагилар киради: бириңиңден, сиғыл тебратыншын ва, иккіншиден, одитта аллапараб ухлататандын мусиқа ва құшиңни хиргойн қилиш. Бу ишкі шареанин бола томонидан идрок этиленин уншын жилеменій машықтар үзіншінде мүсіншінде майил қылады. Уәләрдан бириңиңден тантанда, иккіншиңден эса – қалға тегшілік”.<sup>2</sup>

Құпшылаб алабиетларлар, китоблар, тұлаламларпен ўрганиш, ҳаёттің күзатушылар алла құшиңдарининнан хилма-хил шакл да турлары мавжудлығини күрсатмоқда. Масалан, «Ўзбек ҳалы мусиқасы»<sup>3</sup> китобинин III жылдада Юнес Ражабий томонидан тұлланған ҳамда ёшиб олинған,

<sup>2</sup> Абу Али Ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн.: I. Т., 1981, с. 300// Антология педагогической мысли Узбекистана. М., 1986, с. 67.

нота ёзувида иккита алла қўшиғи келтирилган. Мазкур алла қўшиқларининг мусиқий мотивлари ва оҳанги жуда кенг тарқалган ва алла қўшиқларининг гарчи бироз мураккаброқ бўлса-да, шубҳасиз, такомиллашган турларидан биридир.

### Алла

М.М. ♩=42-44

Оқ қў-зим, оп-поқ қў-зим, гап тут - ма-ган  
сур-бет ю-зим, эс-сиз-ги-на бер-ган ту-зим, ёш- лар- га тўл -

М.М. ♩=63-66

дир-динг қў-зим,(мо), ал - ла Ал-ла жо -  
ним, ал - ла, ҳо - зир иш - лаш - га пад - ла, йи - рим - те - рим -  
дар - ни о - либ, сўнг - ра қи - ла - миз ял - ла (ё) ял - ла.

«Ўзбек халқ ижоди» туркумидаги «Бойчечак»<sup>1</sup> китобининг (тузувчилар О.Сафаров, К.Очилов) «Аллалар» бўлимида алла қўшиқларининг адабий матнлари тўплланган. Китоб охирда О.Сафаровининг «Болалар куйласа — олам мунаввар» сарлавҳали мақоласи берилган, унда ўзбек халқ болалар қўшиқларига оид адабиётлар, уларниң тарихи ва ривожланиш қонуниятлари ҳамда қисман алла қўшиқлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ мусиқаси. III-том./ Тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. Т., 1959, 538-544-б.

<sup>1</sup> Бойчечак: Ўзбек халқ ижоди/Тўпловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. Т., 1984, 5-45-66.

Мисол тариқасида уларниң бир неча энг ёрқиң намуналарини көлтираймиз:

1. Алла айтиб ухлатаман,  
Алла, құзим, алла.  
Қандай сени юпатаман,  
Алла, болам, алла.

Кичкинасан, лоласан,  
Алла болам, алла.  
Қақон катта бұласан,  
Алла, болам, алла.

Алла, алла, орастасан,  
Алла құзим, алла.  
Гуноҳи йүқ нораастасан,  
Алла, құзим, алла.

2. Юзимнинг ёруғи, құзимнинг нури,  
Белимнинг құввати, дилим сурурى.  
Элиминг құвончи, тоғдек фурури,  
Әрка болам, оғығим, алла.  
Севган болам, тойчогим, алла.  
Үргилай қўзингдан, эрка фарзандим,  
Новвотим, асалим, шакарим, қандим,  
Умрингни тилайман, кўнгил хурсандим,  
Қўзичогим, оппозим, алла,  
Ёниб турган чирогим, алла.

4. Алла болам, Бахтиёр,  
Ҳар нарсанинг вақти бор.  
Кўзимнинг нури ўзинг,  
Келажагим бахтиёр,  
Алла, болам, алла-ё,  
Гулу лолам, алла-ё.

Боғ ичидә чаман гуллар,  
Алла, құзим, алла.  
Сайрайда шайдо булбуллар,  
Алла, құзим, алла.

Сендан келар – гул иси,  
Алла, болам, алла.  
Ота-онасинг бириси,  
Алла, болам, алла.

Сенга аллалар айтайни,  
Алла, құзим, алла.  
Соғларшитда ётеси,  
Алла, болам, алла.

3. Ширин болам, алла.  
Жону дилим алла.  
Тахти равони бўлсии,  
Ота-онаси қўлсии,  
Мавлудажоним, алла.  
Ширин болам, алла.  
Жону дилим, алла.  
Қизил гулим сўлмасин,  
Келин бўлиб сузилсии,  
Мавлудажоним, алла.

Ўзинг менга қанот бўл,  
Юрагимга мадад бўл.  
Тоғни талиқон қилгудек,  
Полвону боодоб бўл,  
Суяр тоғим, алла-ё,  
Севар боғим, алла-ё.

Тезроқ катта бўлгин сен,  
 Тезроқ кучга тўлгин сен,  
 Соғлом бўлиб доимо  
 Ёнгизамда юргин сен.  
 Пилдириғим, алла-ё,  
 Умр ариғим алла-ё,  
 Алла-ё, алла!

- |   |  |
|---|--|
| 5. Алла қиласи болам-о,<br>Ўйкудан ором олсни-о,<br>Алла, алла, дегонда,<br>Жынгизна ухлиб қолсан-о.<br>Алла, болам, алла,<br>Иккى қўзим, алла. | 6. Алла, болам, алла-ё,<br>Кўрар кўзим, алла-ё,<br>Суяр кўзим, алла-ё,<br>Алла, болам, алла-ё,<br>Ширин жоним алла-ё,<br>Иссис юним, алла-ё. |
|---|--|

Келтирилган миссалардан бисенинг мадданиятимиз ва санъатимиз нечокли бой ва ранг-барағигиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам у атрофлича тадқиқ этишга лойиқ ва муносабидар. Мазкур алла қўшиқларини таҳдид қўлиб, биз қўйидаги қонутишини қайд этишимиз мумкин. Ҳар бир аллада шеърнинг тақорорланувчи қисми (рефрен) мавжуд бўлиб, у ўзгаринисиз қолади. Мана ўша тақорорланувчи мисралар:

1. «Алла, қўзим, алла,  
     Алла, болам, алла».
2. «Эрка болам, опиғим, алла,  
     Севган болам, тойҷогим, алла».
3. Ширин болам, алла,  
     Жону дилим, алла».
4. «Алла, болам, алла-ё,  
     Гулолам, алла-ё» ва ҳ. к.

Тўртинги аллада шеърнинг тақорорланувчи қисмидан кейин учичи куплет охирида яна битта қўшимча қатор бор:

«Алла-ё, алла!».

У ёки бу қаторларда алланинг мазкур тақорорланувчи қисми тақорорланиши, монотонлиги, бир маромдалиги туфайли алланинг асосий амалий вазифасини бажаради, яъни тинчлантиради, тебратади ва, ухлатади.

Энди нотали ҳолатдаги алла қўшиқларидан, айнан тақорорланувчи қисмнинг турларидан мисол келтирамиз, чунки нотасиз қўшиқни тушуниш ва уни тасаввур қилиш жуда қийин:



Амалиётда мазкур ҳиргойида мисра ва сўзлар сони аниқ чегараланмайди. Улар кўп ҳам, оз ҳам бўлиши мумкин. Бу зарурят ҳамда аниқ вазият билан боғлиқ: бола қандай ухлайди, бу ҳиргойиниң унга яна тақрорлаш керакми, бундай пайтда она қандай туйғуларни бошидан кечиради ва ҳ.к. Буларнинг барчаси аҳамиятта эга ҳамда худди ҳаётнинг ўзи каби истаганча ўзгариши мумкин.

Она босиқ, вазмини, қалбга етиб борадиган овози билан алла айтаётган чоғда бешикни тебратади ёки болани қўлига олиб, уни бағрига босиб, бир маромда силайди, қоқиб қўяди, кучоқладайди, уни тебратиб, ана шу тарзда боланинг тинчланинни ҳамда ухлаб қолиниши учун қулай шароит яратади.

Ушбу масаланинг ўрганилиши-шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд зъюн қилинган адабиётларда алла қўшиқларининг нота ёзишли варианatlари жуда кам.

Бу ҳолат алла қўшиқларининг энг яхши намуналарини илмий жиҳатдан ўрганишини, шунингдек, уларни оммалаштиришни жуда қийинлаштиради.

Оҳангсиз, мусиқасиз алла қўшиғининг ўзи йўқ. Бунинг устига, бу оҳанг, бу мусиқа ниҳоятда муҳимдир. Алла қўшиқларининг оҳангги, шигонацияси, иъни мусиқийлик жиҳати нафақат асосий амалий, мазмуний айни пайтда ҳиссий-эмоционал, эстетик, тебрантирувчи (вибрацион), акустик юкни ўз устига олади. Ифодавий (оҳангдор, ритмик, товуш ўлчамлари, товуш тебранишлари, динамик) ва бошқа амалий воситаларининг бутун комплексини нотали мисоллар мавжуд бўлгандагина тўла тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфи учун «Мусиқа» дарслитида<sup>1</sup> (муаллифлар: О.Иброҳимов, Ж.Иброҳимов, Ю.Ботиров) халқ мусиқий ижодиётининг шу турга оид энг яхши намуналаридан бири бўлган алла қўшиқларининг нотали намунаси берилган.

<sup>1</sup> Иброҳимов О.А., Иброҳимов Ж., Ботиров Й. Мусиқа: 4-синф. учун дарслитик. Т., 2003, 44-б.

Алла

The musical score consists of three staves of music in 2/4 time with a treble clef. The lyrics are written below each staff.

Staff 1: Алла ай - тай жо - ним  
Алла ай - тай жо - ним

Staff 2: бо - лам ку - лок сол - гни ал - ла  
бо - лам ши - рин кү - зым ал - ла

Staff 3: Ши - рин ал - лам тинг - лаб ас - та  
сен ку - вен - чын иф - ти - хо - рим

Staff 4: ух - лаб кол - гни ал - ла  
кү - рак кү - зым ал - ла

Дарслықда «Асрларға тәндөсі құшиқтар» (тұзувчилар: Ж.Әшопқұлов, Й.Абдурахмонаев) китобидан олинган қүчирма көлтирилған. Үнда, жумладан, шундай дейнілади: «Она алласини әшитиб ўсттан бола келажак да ўз ота-онасини севади ва қадрлайды, Ватанига содиқ, инсонларға ҳамдард бўлади».

Сўнг бу китобда ер юзидағи биринчи алла ҳақида қўйидаги ривоят көлтирилдади. Ривоят қилишларича, жаннатдан қувилган Одам Ато билан Момо Ҳаводан иккита эгизак туғилибди. Оллоҳининг бу марҳаматидан боши осмонга еттән Одам Ато шикорга<sup>1</sup> кетибди. Ўша вақтда ҳаммаёс осойишта бўлиб, ер юзидағи бу жимжитликни фақаттана икки чақалоқнинг қаттиқ йигиси бузар экан. Момо Ҳаво нима қилишини билмабди ва унинг ҳаяжони шу даражага етибдики, юрагидан ажойиб алла қўшиғи пайдо бўлибди:

Алла, болам, баҳтиёр,  
Ҳар ишнинг ҳам вақти бор.  
Отанг кеттән шикорга,  
Алла, болам, алла-ё.

Айтшларича, ер юзида пайдо бўлган биринчи гўдакка айтилган алла айнан шундай бошланган экан... Ер юзидағи барча қўшиқтар она алласидан бошланган. Биз тинглаб ором олаётган энг яхши қўшиқларнинг келиб

<sup>1</sup> Шикор — ов.

чиқиши ҳам она алласига бориб тақалади.<sup>2</sup>

Алла қўшиқлари ҳақиқатан, ер юзидаги, шу билан бирга ҳар бир инсон ҳаётидаги дастлабки қўшиқлардан биридир. Эҳтимол, худди шунинг учун ҳам мусиқа санъатида, дунёнинг барча машҳур композиторлари – Моцарт, Брамс, Чайковский ва бошқалар ижодида алла қўшиқлари ёки алла оҳанглари мавжудки, бу қўшиқларни уларнинг болаликларида оналари айтиб берганлар. Ўзбек профессионал мусиқа санъатида Икром Акбаров, Абдураҳим Муҳамедов ва бошқа бастакорлар томонидан яратилган алла қўшиқларининг намуналари машҳур. Мисол учун Зоҳиджон Обидов шеъри асосида Абдураҳим Муҳамедов яратган алла қўшиғини келтирамиз.

### Алла

З Обидов шеъри

А.Муҳамедов мусиқаси

Andante cantabile

1. Ух - ля бо - лам ал - ла - ө, гу - ли - ло - лам ал - ла - ө,  
2. Бағ - рим - даи ҳеч қўй - май - ман, сен - га бо - қиб тўй - май - ман  
Оқ - шом кир - ди ҳар ө - на жо - ним ал - ла, те - панг - да мен  
ке - тол - май - ман ө - нинг - дан жо - ним ал - ла, жон ай - лан - син  
пар - во - на ал - ла, ал - ла. Сен баҳ - тим - сан,  
жо - нинг - дан ал - ла, ал - ла. Кў - рап кў - зим,  
ба - ҳо - рим - сан бағ - рим - сан, сен дил - баң - дим,  
баҳт - юл - ду - зим о - ром ол ал - ланг ай - тай  
в - салкан - дим, фах - рим - сан. > p Ух - ла ши - рин дўм - бо - гим  
жо - ним кў - зим ух - лаб кол.  
жо - ним ал - ла, о - вун - чо - гим  
оп - по - рим ал - ла, ал - ла.

<sup>2</sup> Асрларга тенгдош қўшиқлар/Тузувчилар: Ж.Эшонқулов, Й.Абдураҳмонов. Т., 1991, 5-6.

Бу асардан илхомланган машхур ўзбек хор дирижёри Ботир Умиджонов уни хор ижрочилигига мослаштириди. Натижада бу алланинг кўповоғли хор ижрочилигидаги катта кўламли оҳангдорликка эга бўлган варианти юзага келди. Бу алла қўшиғининг хор концерти ижрочилиги профессионал санъатидаги мутлақо бошқа тимсоли даражасига етди. Бу нодир асарнинг тўлиқ (фортециано ва хор учун) партитураси билан қизиқадиган ўқувчи ва мутахассислар учун қўйидаги китобни тавсия этамиз: Қозиев Н.И. Хор дирижёrlиги хрестоматияси, II қисм.<sup>1</sup>

Алла қўшиқларидан профессионал мусиқа ва бошқа санъат турларида фойдаланилишига оид яна кўплаб мисоллар келтириши мумкин. Бу мутлақо тасодифий эмас, зеро, алла қўшиқларидан бизни бу ҳаётда асрар-авайловчи мусиқа, сўз, она бағри тафтининг сеҳрли кучи мужассам. Олимлар, мусиқашунослар, адабиётшунослар, фольклоршунослар, педагоглар, психологлар мазкур мусиқа жанрини, унинг бола тарбияси ва ривожланишига таъсирини атрофлича ўрганмоқдалар.

Алла қўшиқлари илмий-техника тараққиёти, оламшумул ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган бизнинг асримизда ҳам ўзининг ҳаётий муҳим аҳамиятини ўйқотмайди. Алла қўшиқлари билим, инсонпарварликлик, маънавият манбаси бўлиб қолаверади, у энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиради, бизнинг қалбимизда гўзал мусиқа, қўшиқ бўлиб янграїди, дилимизни шод этади, кучимизга куч қўшади, инсонни тарбиялайди ва маънавиятини бойитади.

Алла ҳар бир инсон ҳаётидаги биринчи қўшиқ, биринчи мусиқа сифатида қалбимизда мусиқага бўлган муҳаббатни оширади, мусиқий инфода воситаларни қабул қилини ва англап қобилиятини шакллантиради, жаҳон мусиқа санъатининг хазинасига йўл очади. Мусиқа санъатига муҳаббат айнан алла қўшиқларидан бошланади.

### Халиқ болалар қўшиқлари

Халиқ болалар қўшиқлари – болалар мусиқа ижодиёти ва мусиқий тарбиясининг энг қадимий турларидан биридир. Болалар қўшиқ фольклори мусиқа тарбияси воситаси сифатида мусиқа педагогикасининг халқ мусиқа педагогикаси, мусиқа этнопедагогикаси деб аталмиш соҳасига тааллуғидир. Болалар халиқ қўшиқлари мусиқа ижодиётининг соҳаси сифатида мусиқа этнографияси ва мусиқа фольклористикаси фанлари томонидан ўрганилади. Агар алла қўшиғи – бу катталарниң болаларга бағишланган халқчил - маиший қўшиқ ижодиёти бўлса, халиқ болалар

<sup>1</sup> Қозиев Н.И. Хор дирижёrlиги хрестоматияси. II-қисм. Т., 1976. 131-134-66.

қүшиқлари эса – болалар халқ қүшиқ ижодиётидир. Болалар халқ қүшиқларининг шакл ва жанрлари ҳаётнинг ўзи каби жуда кўп ва хилма-хилдир.

Болалар халқ қүшиқлари жанрлари – бу қўшиқ-ўйинлар, санамалар, тегишмалар, тез айтишлар, турли хил тақлидий товушлар ва ясамалар, топишмоқлар, майший, диний, байрам, меҳнат, ғил фасллари, табиат, жониворларга бағишлиланган, нисбатан камроқ ёки кўпроқ ривожланган оҳангли, шаклли, мазмунли ва бошقا қўшиқлардир. Табиийки, ушбу қўшиқларининг айрим жанрларининг яратилишида маълум даражада катталарап иштирок этмайди. Лекин ушбу қўшиқлар бевосита шу ижодий жараёнга тўлиқ жалб этилган болалар томонидан ижро этилади. Болалар халқ қўшиқларининг жанр жиҳатидан хилма-хиллиги улардан мусиқиа педагогиканинг барча турлари ва соҳалари (ижод, ижро, мусиқий таълим ва тарбия методикалари)да фойдаланиш имконини беради.

Ўзбек халқ қўшиқларининг мураккаблик даражаси ошиб бориши тартибида уларниң пота мисолларини келтирамиз ва улардан айримларини кўриб чиқамиз.

### Ошхўракам канттар

Moderato M.M. ♩=76



Ош-хўр-а-кам кан-тар, ион-хўр-а-кам кан-тар, ҳо-вуз-да тўн-ка, ҳовузда тўн ка.

1. Ошхўр акам канттар,  
Нонхўр акам канттар.  
Ҳовузда тўнка.  
Ҳовузда тўнка.

2. Уча қол акам — кантар,  
Туша қол акам — кантар.  
Ҳовузда тўнка,  
Ҳовузда тўнка.

### Зув-зув борағай


Allegretto M.M. ♩=104



Зув-зув бо-ра-гай, том-дан қа-ра-гай, Сул-тон ў-қи-гай, зам- бил тў-қи-гай.

## Оқ теракми, күк терак


Allegretto M.M. ♩=84



Оқ те-рак-ми, күк те-рак, биз-да сиз-га ким ке-рак? Жаж-жиңиз-ги - на ке-рак.

## Чорий чамбар

Moderato M.M. ♩=84



Чо-рий чам-бар, би-рий ан-бар. о-на қыз қай-да? О-ла бу-ла тоғ-да.




Тоғ-ман, зув-ман, пил-та-кач на-ри тур. Сан тур, сан чик,




ку-муш бол-ға, о-на-воп, ён-бош, гул-дур-гуп.

## Читти гул

Andante M.M. ♩=112



Чит-ти гу-ле, чит-ти гуд, з-та-гин-га гул бо-сай.



Ҳай-ю чит-ти гуд, ҳай-ю чит-ти гул.

1. Читти гуле, читти гул,  
Этагингта гул босай.  
Ҳайю, читти гул,  
Ҳайю, читти гул.

4. Аравада ун келди,  
Чилдирмада гул келди.  
Ҳайю, читти гул,  
Ҳайю, читти гул.

2. Қўлинг қўл боғда бўлсин,  
Белинг белбоғда бўлсин.  
Ҳайю, читти гул,  
Ҳайю, читти гул.
5. Гул яхши-ю, гул яхши,  
Гулнинг попути яхши.  
аҳли спорташ и ва баҳодирлар бўлса, уруп қилмоқда, қаҳрамонликка ва иёлни қилмоқча онд маҳсус шеърларни ўқигил. Бундай вақтда улуғ йўллардин – ироқ, наво, фарёд ва буларга ўҳшашларни чартаман деб мажлисни совутмагил. Яна дикъат қилиб қарғилини, мазкур базмда ҳар киши қайси йўлни яхши кўради, шу киншига коса етган чоқда уни айтгил. Ундандаи вақтда ул одамлардин бирор нарса умид қиласанг, шуни топасан, нединким ҳофизлик яхши ҳунардирки, эшитғон одамларниң кўнглини олурсан.

Ҳар мажлисдаки бўлсанг, бодани ва набизни оз ичфил, чунки сен таңга олишинг лозим. Тангадин эса қанча берсалар, рози бўлғил. Ҳаргиз умматларга<sup>22</sup> истиза<sup>23</sup> қилмагил ва ишрат аҳли, маст бўлғон пайтда сен ёз дўстларинг била сўзлашмакка машғул бўлғил, нединким, таңга бу ишдин ҳосил бўлур.

Ҳофиз бўлсанг арбада<sup>24</sup> қилиувчи бўлмагил, токи арбада сабабидин ҳофизлик таңгаси қўлингдин кетмасин ва бошинг ёрилиб, тўнинг йиртилиб, таубурманд синиб, уйингга қайтиб бормагил, нединким ҳофизлар мастларининг муздури<sup>25</sup> бўлурлар. Арбада ва густоҳлик<sup>26</sup> қилғон муздурга музд бермаслар.

Агар мажлисда бир одам сени мақтаса, таъриф қиласа, сен унга меҳрабонлик кўргазғил ва у қайси сурудни хоҳласа шуни айтгил, токи ўзгалар ҳам сени таъриф қисуналар, маст бўлғонларидин сўнг ул таърифга лойин таңга берсунлар. Агар мастлар бир йўла суруд айт десалар, уни айтмоқ сенга малол келмасин, ҳар на буюрсалар, шуни чertғил ва шуни айтгил, нединким, мутрибларининг ўлуғ ҳунари мастларининг иншита сабр қилмоқдур. Агар сабр қилмасалар; муздурик инъомидин маҳрум бўлурлар. Яна дебдуруларки, ҳофиз кўр, кар ва соқов бўлмоғи керакдир. Агар ҳофиз бир мажлиста борса, унда кўргон ва эшитғон нарсаларни ўзга жойга бориб айтмасун. Бундай мутриб ҳамиша азиз ва аржуманд бўлур.

<sup>22</sup> Уммат – бир тилда сўзлашувчи инсонлар.

<sup>23</sup> Истиза – жанжал, кураш.

<sup>24</sup> Арбада – тўполнон, қий-чув.

<sup>25</sup> Муздуру – ёлланиб ишловчи, мардикор.

<sup>26</sup> Густоҳ – андишасиз, тортишмайдиган.

## АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ (1414–1492)



*Нуриддин Абдурраҳмон иби Аҳмад, Жомий –* форс-тоғик шеъриятига катта ҳисса қўшган шонр, олим, файласуф-сўфий.

Абдураҳмон Жомий 1414 йил 7 ноябрда Самарқанд вилоятининг Жом деб юритиладиган жойида туғылган. Ўқинни эрта бошлаган. У биринчи таълим олган жоини Хиротдаги «Дилқаш» мадрасаси бўлган. Шу вақтнинг ўзида у араб тилини ўзлаштириди. Ўз билимларини янада ошириш мақсадида у Самарқанддаги Улугбек мадрасасида

үчишини давом эттириди. У ерда Қозизода Румий, Али Қушчи каби буок фалакиётшунос олимлардан, мусулмон ҳукуқшунослиги (фиҳ) бўйича Фазлуллоҳ Абуллайс ва бошқалардан таълим олди. Тил, адабиётни ўрганишни давом эттириди, математика, астрономия, фалсафа, ҳукумунунослик, диннунунослик астезири, ҳадислар ва узарининг тифъициларини ўзлаштириди.

Жомий Хиротга қайтиб, сўфизм фалсафаси билан жиҳдий шуғулланди. Унинг маънавий устози (шири) Шайх Саъдиддин Қошибарий бўлиб, Жомий унинг ўтиг ва маърузаларини тинглади. Сўфизмнинг ёриғи вакили Хўжа Аҳрор билан танишди. Сўфизм асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошларининг ғоялари таъсири остида Жомийнинг дунёқарашни шаклланти, бу унинг асарларида ўз акенини топди. Жомий Шоҳруҳ, Абулиқсим Бобур, Абу Саид, Ҳусайн Бойқаро каби темурйлар ҳукмронлиги даврида Ҳурсонда яшади. Хиротда Ҳурсон ҳокимиятининг тепасига Султон Ҳусайн Бойқаро келганида, Жомийнинг номи янада кўпроқ танилади. Ҳусайн Бойқаро уни ўз авлодининг муриди деб эълон қиласди.

Жомий Алишер Навоий билан Абусанд ҳукмронлиги даврида танишади. Навоий Жомийни жуда хурмат қиласар ва уни ўзининг шири ва дўстини деб ҳисобларди. Жомийнинг кўплаб асарлари Алишер Навоийнинг таъсири ва маслаҳати билан ёзилган.

Жомий Хиротда 1492 йил 8 ноябрда вафот этади.

Жомий 100 га яқин адабий ва илмий асарлар яратди. «Лужжат ул-асрор» («Сирлар денизи», 1475), «Ашият ул-ламоат» («Йилтиллаган нур», 1476) каби диний-фалсафий қасидаларини Ибн Синоға бағишлайди. У қатор достонлар ҳам яратган. Жумладан, «Хиродиоман Искандарий» (1485) Низомийнинг «Искандариома» асари таассуроти остида ёзилган, «Юсуф

ва Зулайх» (1483), «Лайли ва Мажнун» (1484) ва бошқа асарлари мұхаббет мәдзүсчигі бағыншыланған. Педагогика ва тарбия масаялалари бүйінчі 7 та достон яраттан. Улардан бири – «Силесилат уз-заҳаб» («Олттың шапкын жөнжір») нинг (1472) үелігі насиҳат бөбінде Жомий шундай ёзади:

Китобга ғоз ғыргын, зый, жигарым фарзандым,  
Китобга ұлфат бүлгін, ісілдік ол бу пандим.  
Танқолпакда мұнисинг, билсанға азар китобдір,  
Доноликнің тоннега, шүзла сочар китобдір.  
Бепул, белгіннат сенға, үстоз бүліб ұқытар,  
Билим базшилаб сенға, шигалларніңни ечар,  
Китобдур яхши ҳамдам, тери әннеган олим,  
Иш сиридан ғоҳ сүзлаб, аммо ғоҳо тұрар жасим.  
Уннің ичи ғұнчадек, варақтардан лик тұла,  
Хар вараси ғүёки, дүрдонадір бир үйла.<sup>27</sup>

Уннің Навоий илтімосынға күра ва Форобийнинг мусиқа ҳақидағы аспарлары таъсіри остида яратылған «Рисолан мусиқи» («Мусиқа рисоласы») асари мусиқа соҳасында жуда манихүр бўлған.

## АЛИШЕР НАВОЙИ (1441–1501)



*Низомиддин Мир Алишер, Навоий* – буюк үзбек шоири, мутафаккір, давлат арбоби.

Алишер Навоий 1441 йыл 9 февралда Хиротда темурийлар сұлтасынға яқин бўлған онглада туғылди. Болалық чорғидан бўлажак сұлтон Ҳусайн Бойқаро билан биргаликда тарбияланды. Үчишини эрта бошлади, 4 ёшидан соң мактабга борди ва бошланғич билимларни тез ўзлантириди. Үзбек тилидан ташқари, у форс тилини мукаммал эгаллади. 10 ёшидан шеърлар ёза бошлади, 15 ёшида тан олинған шоимрга айланади. Турк тилидаги шеърларини у Навоий, форс тилидагиларини эса Фоний тахаллуси остида ёзарди.

1455–1457 йиллар давомидә, отаси ва Хурросон ҳукмдори Абулқосим Бобур вафотидан сүнг Навоий ўзига зығ яқын кишиларини йўқотганишынан қаттық изтироб чекди. 1457 йилда сұлтон Абу Саид ҳокимийт тепасында келгач вазият кескинлашыди. Навоий бу пайтда мадрасада таҳсил оларди, кейин зea Хиротта кўчиб ўтди, аммо Самарқандга жўнаб кетишіга мажбур

<sup>27</sup> Назаров К., Низонова С. Pedagogika tarixi. Т., 2005, 152-б.

бүлди ва бу ерда 1456–1469 йилларда ўқиди ва ишлади.

Хуресон таҳтиги Ҳусайн Бойқаро ўтиргич, Алишер Навоий учун янги ҳаёт бошиланади. Алишер Навоий 1469 йилда Ҳиротта қайтади ва дўстни ва сафдошига бариншланган ўзининг янги «Ҳилолия» қасидасини тортиқ қилиди. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни аввал мухрдор, кейин маслаҳатчи, 1472 йилда эса баш вазир этиб тайинлайди. Бу лавозимда Алишер Навоий 15 йил ишлади. Бу йиллар Хуресонда илм-фан, маданият, санъат гуллаб-яшинади, тинчлик ва фаровонлик хукм сурди (бирорта ҳам уруни бўлмади). Мадрасалар, мачитлар, кутубхоналар, пифоҳоналар ва бошида иштоотлар барнио этилди. Ушбу тадбирлар учун Навоийнинг ўзи ҳам маблағ ажратади. Хуресонда бу даврда буюк олимлар, мусиқачилар, рассомлар яшаб никод қилидилар. Улар орасида буюк миниатюрачи ва рассом Камолиддин Беҳзод, Алишер Навоий ўзининг устози ва дўстни ҳисоблаган шонир, олим ва файласуф Абдураҳмон Жомийлар бор эди. Навоий ўзининг форс тилидаги «Тухфат ул-афкор» номли катта қасидасини Жомийга бариншлаган. Бу даврда Навоий туркий-ўзбек тилида яна бир нечта йирик девонилар – «Бадоеъ ул-бидое» («Бадийлик ибтидоси»), «Наводир ун-иҳҳон» («Беҳад нодирликлар»), «Чихил ҳадис» («Қириқ ҳадис» ёки «Арбани»), шунингдек ўзининг муаммоли масалаларни ёзиш методлари тўғрисидаги «Муфрадот» номли адабиётшунослика онд шеърий асарини яратади. Ниҳоят, 1483–1485 йилларда Навоий ўзининг беш достондан иборат машхур «Ҳамса»сини яратади. Булар: «Ҳайрат ул-абброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайн сайёр» («Етти сайёра»), «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонларицир. Бу буюк асар ўзбек поэзиясини шон-шухратта бурканди ва жаҳон адабиёти ҳазинасидан жой олди.

Алишер Навоий обручининг халиқ орасида тобора ортиб бориниш, самарали пижоди унга қарши сарой фитналарига сабаб бўлади. 1487 йилда Ҳусайн Бойқаро Навоийни баш вазир лавозимидан озод қилиди ва уни Астрободга ҳоким қилиб жўнатади, бу ерда ҳам у ободонлаштириш ишлари, шеърият ва илм-фан билан шуғулланини давом эттиради. Астрободда у ўзининг «Чор девон» асарини ёзади. Бироқ, иккни йилдан сўнг, Алишер Навоийнинг давлат ишларидағи салоҳияти ва халиқ орасидаги обрў-эътиборини англаб етган Ҳусайн Бойқаро Навоийни Ҳиротга қайтаради. Аммо Навоий ўзига таклиф этилган давлат лавозимларидан воз кечади. Навоийни саройда олиб қолини учун маҳсус «Султонга зинг яқин шахс» лавозими жорий қилинади. Ушбу лавозимда у барта давлат ишларида шигтирок этиши ва султон билан учрашишин мумкин эди. Шуларга қарамасдан, Навоий давлат ишлари билан камроқ қизнишар, кўпроқ

ижод билан шуғулланарди. Алишер Навоий Саид Ҳасан Ардамер (1488), Абдураҳим Җомий (1492), Паҳлавон Муҳаммад (1493) каби дўстлари, шоир ва олимларнинг вафотидан қаттиқ изтиробга тушарди. Уларнинг хотирасига бағишлаб у бир нечта асар ёзди. Шунингдек, у Ҳусайн Бойқаронинг суюкли набираси, ўзининг шогирди Мўмин Мирзонинг ўлдирилишидан изтироб чекади, у келажакда Мўмин Мирзонинг давлат арбоби бўлиб етишишига умид боғлаганди. Буларнинг ҳаммаси, сўзиз, Навоийнинг сояллигига тэъсир қилмай қолмасди.

Ҳаётининг сўнгти йилларида Навоий ижод билан фаол шуғулланишини давом эттиради. Унинг қаламига мансуб «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислилар», 1492), «Мезон ул-авзион» («Вазилар ўлчови», 1494), «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари», 1495), «Чор девон» (1498-1499), «Девони Фоний» (1499), «Лисон ут-тайр» («Құшлар тили», 1499), «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси», 1499), «Маҳбуб ул-қуслуб» («Қалблар севгилиси», 1450) каби поэзия, тарих, илм-фан, педагогикага онд дурдона асарлар яратилди.

1501 йилнинг бошларида сulton Ҳусайн Бойқаронинг ҳарбий юриппанни қайтаёттанини эшитган. Алишер Навоий сultonига бағишланган ўзининг сўнгти шеърини ёзди ва 1501 йилнинг 3 январида у билан тантанали учрашувда хушидан кетиб, буюк шоир ҳаётдан кўз юмади. «Ҳамма – сultonдан тортиб то хунармандгача фам чекарди, – деб ёзди солномачи, кўкка кўтарилиган фарёдлардан унинг мусаффо сатҳи булутларга тўлди ва кўз ёшлилар ерга шиддат билан оқа бошлади»<sup>28</sup>.

Алишер Навоийнинг адабий мероси бутун инсониятнинг маданий бойлиги ҳисобланади. Навоий иштирорининг даҳоси чекен. Унинг асрларидағи шоирона образлар, фикрларнинг донолиғи ва олижсаноблиги ҳдётни ёрқин идеалларининг соғлиғи билан ёритиб туради. Навоий ҳақида ҳалқ орасида ривоят ва нақллар тўқилган. Ота-оналар ўз фарзандларига унинг номини қўйиншади. Шаҳар ва қишлоғларга, кўча ва маёнларга, театр ва таълим мусассасаларига унинг номи берилган.

Педагогика, мусиқа, мусиқа педагогикасида Навоийнинг обрў-эътибори улкан. Унинг китоблари ва асарлари асосида ёшлилар тарбияланади. Унинг «Ҳамса» («Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажпун», «Сабъийн сайдёр», «Садди Искандарий»), «Фикрлар ҳазинаси», «Қалблар севгилиси», «Икки тил муҳокамаси» ва бошча асарларида юксак маънавий ва эстетик яоялар ҳақида сўз юритилади, онага, отага, оиласга, меҳнатга, ўқишига бўлган муҳаббат куйланади. Навоий асарларида шахснинг

<sup>28</sup> Айбек, Ал. Дейч. Вступительная статья // Навои. Избранные произведения. М., 1948, с. 21.

соғұныллық, қамтартылған, мәхр-тағыншыллық, олжеканобұлық, донолық, сахийлик: каби сиғаттарында юксек білік берилады. Үзини яхши түтіп борасында насыхаттар қилинады, билимга, ҳаёт ва турмушни фарованиештиришга интилиш рағбатлаштырылады, инсоннинг маънавий гүзіллігін улугланады. Навоийнинг педагогик қарашлари ақыл-идрок, маънавийлик, эстетик күттарникілік ва чуқур инсонпарварлықка асосланған.

Мусиқа салынғатында халқ өз композиторлық изходиетіннің катта, улкан қажандығы мусиқа асарлары Навоий номи билан бөглиқ. «Навоий» сүзи «қуйчан, өхантдор» маъносаты әле жаңалығы бейнесінде жаңалығынан да үлкен диврдегі тәнниұлы мусиқачы, бастиякор Хожа Юсуф Бурхон<sup>1</sup> құлдыра мусиқадан сабоқ олган. Үзинең үзи ҳам күй өз тәнниұлылар бастанадаған<sup>2</sup>. Навоий доимий равишида мусиқачыларға ҳомиийлік қылған. Юқорида тиңға олинған асарларда у мусиқа чөлгүларини тавсифлайды, ҳофиз өз ижроғылар, мақомлар, мусиқаның күч-құдраты, уни қабул қилиш хусусиятлары, мусиқа тарбияси түғрисінде сүз өзінде.

Алишер Навоийнин төғаси Мұхаммад Али, тахаллуси «Ғарифий». «Күпроқ сезіларни яхши өзінде өткізу әрді. Уни өз өзінде хуб әрді. Мусиқий илмидің ҳам хабарлар әрді»<sup>3</sup>.

Алишер Навоий үзинин «Муншоот» («Мактублар мажмуды») асарында асраб олган үелігі мурожаатини көлтирады, бирок үзинең иемини айтмайды. Мактуб монолог характерида бўлиб, унда у үелинин үзини ёмон тутиштадан порозилигини ифода этади, ҳолбуки үзинең тарбиясига кўп куч ва эътибор сарғылаган эди. Мактубда үелігі нисбетан қуйидаги гина сўзлари мавжуд: «Мен сени даврининг Фисофурси қўлдым, сен мусиқа назариясен бўйича билтимлар эгаси бўлдинг. Абу Носир Форобийдек юксакликка эртипдинг, мана шу сиғатлар туғайли сен тәнниұлы кишилар, ҳатто ҳукмдор сұхбати ва мажлисларидан иштирок этишга мұяссар бўлдинг. Бирок, ағесуски, сен булачининг ҳаммасини қадрламадинг ва яна айши-ишрат, беадаблийларга берилеб кетдинг. Сен кўп маротаба кечирим сўрадинг ва қайтадан фигина ва пасткаси одамлар дүнёсига шўпғидинг»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> О.Шарофудинов. Алишер Навоий. Т., 1948, 29-б.; Алишер Навоий. „Мажолис ун-нафонс“ // Алишер Навоий. Асарлар. 12-т. /Наширга табиёр. С.Раниева. Т., 1966, 50-б.

<sup>2</sup> Навоий мусиқа басталғаннаннан ҳақындағы маътумотлар Бобурининг «Бобурнома»сыда, А.Вамберининг „Очерки о Средней Азии“, М., 1868, шунингдек Фитраттинг „Ўзбек классик мусиқасы ва үзинең тарихи“ китобида заңижуд. С., 1927; Т., 1993.

<sup>3</sup> С. Раниева таржимаси. „Мажолис ун-нафонс“ // Алишер Навоий. 15 тт./. 12-т. Т., 1966, 66-б.

<sup>4</sup> Алишер Навоий „Муншоот“ китобидан олинған парчанинг заңионавий ўзбек тилидеги зертте таржимаси. Аса нусхаси Алишер Навоий. Мұккамал асарлар түзлами. „Муншоот“, 14 ж. Т., 1998, 215-218-б. берилған.

Унинг замондошлари Абдураҳмон Жомий, Зайнулобиддин Ҳусайнинларниң мусиқи ҳақидағи илмий ишилари Алишер Навоий маслаҳатлари асосында яратылған, улардан айримлари эса Навоийга бағишланған.

А.Навоий сўзларига жуда кўплаб халиқ ашулалари, катта ашула ва мақом мусиқаси маникүд. Масалан, мусиқашунос Зарифа Каримова ўзининг «Навон в музыке» китобида татькидлашича, таниғли тошкентлик ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов (1863—1943) репертуаридан ташкил тонган «Армуғони Хислат»<sup>5</sup>, баён(турли муаллифлар тўплами)даги Навоийнинг «Қора кўзим» газали — «Ушпик» куйига, «Соҳар Ҳовар» (+Тонг шафак қўёши) — «Савти баёт» куйига ижро этилган. Академик Юнус Ражебийнинг татькидлашича, «Баёт II», «Гулузорим», «Ушпик», «Қўш чинор», «Қўча боғи II», «Ҳарғиз», «Ҳануз», «Чоргоҳ II» ва «Яли-яли» номли қадимий ашулада Навоий сўзлари билан ижро этилган. Бу асарлар узоқ вақтлар давомида фақат Навоий сўзлари билан ижро этиб келингган<sup>6</sup>. Тўхтасин Гоғурбековнинг тадқиқотларида, юқорида көлтирилган Навоий сўзлари билан ижро этиладиган халиқ мусиқасыдан ташкәри, яна «Наво», «Лутоҳ», «Ироқ»-мақомлари ҳам кўрсатиладики, улардаги кўплаб мусиқалар Навоий газаллари билан ижро этилади. Дарвеш Али Чангийининг (XVI аср) мусиқи ҳақидағи рисоласыда кўрсатилишича, қадимдан мавжуд бўлган 12 усуудан 7 таси Алишер Навоийга тегишли бўлган<sup>7</sup>. Навоий шеърларидан халиқ мусиқасыда фойдаланилишига яна кўплаб мисоллар көлтириш мумкин.

Агар халиқ мусиқи ижодиётидаги кўплаб асарлар Алишер Навоий номи билан боғлиқ бўлса, композиторлик ижолили зса бундай асарлар бехисобдир. Буларнинг ҳаммаси «Навоий ва мусиқи» каталоги, луғатини яратишига турткি беради. 1920 йилларда шоир ва драматург Хуриид томонидан «Фарҳод ва Ширин» (1922), «Лайли ва Мажнун» (1925) спектакллари саҳнадаштирилган. Бу спектакллар учун, асосан, халиқ мусиқаси ташланған. «Лайли ва Мажнун» бошига спектакллардан фарқли равишда тўлиқ мусиқи жўрлигида қўйилған. Шу сабабли у опера деб атай босланған. Спектаклга мусиқани Толибжон Содиқов басталаган. Аммо, спектаклда халиқ, мақом мусиқаси ҳам ишилатилған. Кўйидаги мусиқали драмалар ана шулар жумласидан: И.И.Миронов ва Т.Содиқов «Лайли ва Мажнун» (1933), В.А.Успенский «Фарҳод ва Ширин» (1934).

<sup>5</sup> Армуғони Хислат. Т., ҳанжарий 1329 (1911), 16, 102, 217-6.

<sup>6</sup> Каримова З.Г. Навон в музыке. Т., 1988, 22-24-6.

<sup>7</sup> Гафурбеков Т.Б. Фольклорные источники узбекской профессиональной музыки. Т., 1981, 17-23-6.

бу спектакль 1936 йилда Г.Мунель билан ҳамкорлицида қайта ишланған. 1940 йилда Р.М.Глиэр ва Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» (Хуршид либреттоси) – дастлабки ўзбек операларидан бирни яратылди. Кейин «Сабъаи сайдер» достони асосида М.Левиевнинг «Сұхадәл ва Мехри» балети (1948) ва М.Ашрафийнинг «Дилором» операси (1958) яратылади. Симфоник ижод соҳасида Г.Мушелиннинг Иккичи симфонияси (1941), В.Золотаревнинг «Навоийнинг 6 газали» (1941), А.Ф.Козловскийнинг «Донолигра ўтилар» кантатаси (1948), М.Бурхоновнинг «Алишер Навоийга қасида» (1986) ва «Алишер Навоий» операси (1986), М.Тожиевнинг сўз устаси ва симфоник оркестр учун «Шоир мұхаббати» (1968), Юнес Ражабий ва Сайфи Жалиловнинг «Навоий Астрободда» мусиқали драмаси (1967), М.Бурхоновнинг Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» драмасига ёзган мусиқаси (1943), «Алишер Навоий» кинофильмига Р.М.Глиэр ва Т.Содиқовлар ёзган мусиқа (1948), Р.Абдулаевнинг «Навоий хотирасига» симфоник поэмаси (1971), И.Любэрсоннинг «Шоир хотирасига» поэмаси (1954), «Ҳамса» поэмаси (1988), «Лайли ва Мажнун» балети (1968), М.Бағосовнинг Навоий шетъларига «Концерт-рапсодия», «Рубон» асирлари (1979), Н.Зокировнинг «Истадим» поэмаси (1968), Ҳ.Рахимовнинг «Навоий разалларига поэма» (1990) ва башка асарлар яратылди.

Юқорида көлтирилган асарлар рўйхати йирик шаклдаги мусиқа асарларини тўлиқ қамраб ололмайди. Лекин, шу мисолларнинг ўзиданоқ «Алишер Навоий» мавзусидаги яратылган асарлар ҳажми қанчалик катта эканлигини тасаввур қўлини мумкин. Табиинки, Навоий сўаларига ёзилган кичик шаклдаги вокал асарлар – қўшиқлар, романслар, вокал туркumlари, хор учун асарлар бопка жанрлардан сеп жиҳаттани устуилик қиласи.

### «Маҳбуб ул- кулуб»дан<sup>1</sup>

Йигирма иккинчи фасл

#### МУТРИБ ВА МУҒАННИЙЛАР ЗИКРИДА

Мутриби тараф афзо, муғанийиғамзудо – иккисига дарду ҳол аҳли жон қўнгурулар фидо.

Улки кўргузгай мулойим таронау нағма, агар эшитгувчининг ҳаётини накди инга фидо бўлса неғам. Кўнгул куннаги хушинаоҳдин, руҳ кути овоздин. Хушхон муғанийидин дард аҳлининг ўти тезадур, агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлиға рустоҳездур. Ҳар муғанийики, дардмандонароғ нағма чекар, аният захмаси захмлиқ юракка корграрроқ тегар. Оташин юзлук муғанийики, ҳалқидин мулойим суруд чицорғай, ҳол аҳлининг куйган

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-т., Махбубул-қулуб / Нашрия тайёр Н.Шамсев, мухаррир С.Фаниева. Т., 1966, 23-24-б.

бағридин дүп чиқоррай. Мұлойим мұтрабки, табы ва фәхм анға ёр бўлғай, одамий кўнгли тоғанин бўлса анға зор бўлғай, хусусанки, ҳам айтғай ва ҳам чолғай, кўнгул мулкига не қўзғолонларки солғай.

Сулук аҳлиға бир маҳуф ер бу манзилдурким, анда ҳам камол, ҳам нуқсон ҳосилдур. Солик бу ерда бир муҳлик оҳ била ҳам мақсадга стибдур ва бир наъраи жонкоҳ била йиллар қозғонғони ҳам илгидин кетибдур.

Шибтай ва Нурий... самотта кеттилар ва бу йўл сулуки била мақсул сарманзилита еттилар. Басо аҳлудлоҳки, арганун унидии дайреға кирди ва дин ва ислом нақдии мұбчаларга бой берди.

Майхонада кимки майдин ибо қўлғай, най уни бир дилкаш наво биля ани расвоқилғай. Агар кипши май ҳавосини бошидии чиқорур, ишқак мадди ноласи била анға ёлборур. Ва танбур пардадағи фитиадин ҳалок этар ва оғият пардасиз чок этар ва чанг зорлик била бўғзин тортар ва уд лисони нағмасининг тарғиби чангдин ҳам ортар. Андаким, рубоб бошин ерга кўюб ниёз кўргуагай ва қўбуз қулоқ тутуб айшга тарғиб оҳантин тузгай. Чун конун на чарона ноласи қулоққа тупғай ва маҳвани соқий юқунушиб, май аёққа тупғай, ул вақт аухуду тақвоға не малибор ва ҳушу хирадга не ихтиёр. Агарчи ишқ фақр ақлини расво қўлурда булардин фароғдур ва лекин ул ўтни ёрутурға най дамидин елу майдин ёғдур. Араб теваси «худий» лаҳни била бодия қатында тез бўлур, булут бухтиси ратъд садосидин соңқа ангез. Инсонга маҳзи ғалат ҳаёлдур ва одамийга бу оғатдин қутулмоғлиқ маҳолдур.

Аммо бу тоғанинг соири ҳам агарчи тараф ойин ва меҳнатзудодурлар ва лекин филҳақиқат, лайм сийрат ва гадодурлар. Айт қувчи ва чолғувчи зорлите ти ийналмак билди олғувчи. То буюргувчида сила ва инъом бор, алар мудозимдурлар ва хизматтор. То сұхбетда неъмат кўп, аларға барча ямру нахийніг жўб. Чун базмда танағым оз бўлди, алар ишни истиғноу ноз бўлди. Неъмат деган шимаки тамом йўқ бўлди, аларининг кўнгли сендин тамом тўқ бўлди. Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсоннингдин, ошнолиг бермай ўтарлар ёшигдин. Оз олсалар иносинеос, кўп олсалар ҳақношунеос. Аксари фосиқ ва бадхўй ва қолғони қажтабу дурушттўй. Ҳаракотлари тузукени сўларилек ва калимотлари ҳашив ва маҳалсиз нозларидек. Вағо алар табындин маслуб. Вағо аҳли алар олида мардуд ва манқуб. Муғанин вағосиз, кунгир ҳәбсиз. Агар йиллар риоят килибсен ва ҳамхонадур, бир катлаки нима бермадинг бегонадур.

Эр суратида шоҳидедур таниоз ва мұлойим кисватида мүғендердүхона бўрандоз. Ҳавосқа дилфирибедур сант ва нағам била, авоми роҳзандедур таблу алам била.

*Назам:*

Кишишт бўлмасуни бу фитна думор,  
Ки унидин најсоти тайри учор.  
Енса кўнмоққа табл урар ҳар дам,  
Ким ўшул кулиқча кўпрак ўлгай рам.

### “Маҳбуб ул- қулуб” китобидан<sup>1</sup>

#### «Ашгулачи ва чолғувчилар – мутриб ва муғанийилар тўғрисида»

Шоддик оширувачи хонандада, ғамни тарқатувчи созандада – булағнинг ҳар иккисига ҳиссиётта берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо килардир. Модомики, улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга не ғам? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан кувват, руҳ аса хуни овоздан ози к олади. Ёқимли овозу маҳорат билан куйлайдиган хонандадан дард аҳлиниң ўти яна аланталанади. Агар гўзал бўлса, ҳиссиёт аҳлиниң ўртасида киёмат кўтарилади. Ҳар бар созанданинг куйин дардларироқ ижро этилса, унинг чертиши дардли юракка катиқроқ таъсир қиласди. Очни, чехрали хонандада ёқимли овоз билан куйласа, дардни одамниң куйиган бағридан тутуп чи қаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ё кимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мағутун киласди. Хусусан ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига кўзролон солади.

Сулук аҳлига яширин бўлган бу манзилда инсон ҳам камолот топади, ҳам зарар орттиради. Солик бу ерда бир дардли оҳ билан мақсадига этибдур ва бир наъраи жонкоҳ билан йиллар бўйи қозонгани ҳам илгидан – қўлидан кетибдур.

Шиблик яи Нурий..., самотла кетилилар ва бу йўл тарисиат бирла мақсад манзилига етдишлар. Кўп оллоҳни истагувчилар арганун – орган садосига мафтун бўлиб, бутхонага кирди ва дину ислом нақдими мұғбачаларга бой бердишлар.

Майхонада кимки май ичишдан ибо қиласа, най овози бир дилкаш наво билан уни расво қиласди-қўяди. Агар киши май зав кини унугиб, ичишдан тортилар экан, гижжак чўзиқ иолалар чекиб, унга ёлборади ва ташибур пардалари мафтункорлик билан ҳалок этади, унинг ҳаловат пардасини чок этади, чаңг зорланиб, бўғзани чўзади: уд тилининг инграб ёлбориши чаңгницидан ҳам ортади. Қачонки рубоб бопини ерга қўйиб илтимос қўлгандада, қўбуз қулоқ тутиб, кайф-сафо оҳангини тузади. Булар билан баравар қонун ва ҷағона асбобларини шоласи қулоқга эшитилгацда, шу пайт ойдек соқий қадаҳшарга май қўйиб, таъзим билан узатса,

<sup>1</sup> Замонавий тилга С. Фаниева таржимаси // Маҳбуб ул-қулуб (Қазблар севгисини). Т., 1983, 29-31-б.

пархездорликка ким эътибор берали-ю, ақл-хүпнинг иктиёрии ким ўз кўлиди тути олади?! Сўфи яи тақвадорларга ҳам бу базмда эътибор колмайди. Гарчи иш к аҳлининг расво бўлиши учун бу нарсаларга эҳтиёж йўқ эса-да, уларнинг дард ўтига най ел бериб, май эса ёғ бўлиб туйилди ва у янада аланига олади.

Араб теваси ҳайдовчининг “ҳуддий” деган хониши билан саҳрова юришини тезлитади, булут парчасиди эса мома калдироқ садосидан чақмоқча кади. Иносон мусиқа садосини тинглар экан, хаёли бузилиши табиий ва одамнинг бу экон оғфатидан қутилини маҳоллар.

Аммо хонанда ва созандаларнинг саёқлари, гарчи камни тарқатувчи, шодлик таратувчи бўлсалар ҳам, лекин ҳақиқатда пастками ва тиљамчидирлар. Бундай ашулачи ва чолғувчилар зорланиб ва япичо клик билан пул топадилар. Агар буорувчидан инъом-эҳсон бўлса, унинг хизматини бажарадилар. Судбатда ноз-неъмат тўкин бўлса, улар ҳар кандай амир-фармоний бажаринги тайёрдирлар. Агар базмда машшат кам бўлса, улар нозистигно ва инжи клик билан қилиқ кўрсатадилар. Ва агар ноз-неъмат деган шарса тамом йўқ бўлса, уларнинг кўнгли сендан ушилди ҳисоб. Улар агарчи йил бўйи сенинг эҳсонинингдан баҳрамани бўлгин эсалар-да, ённингдан танимай ўтиб кетаверадилар. Оз олсалар — ерга урадилар; кўп олсалар — қадрламайдилар. Уларнинг кўпчилиги ахлоқсиз; бадфетъл; қолганилари ҳам ўлгудай қайсар ва дағал сўали бўладилар. Ҳаракатлари ҳаддан ташқари тутуроғиз сўзларицек, гаплари эса бемахал қўлган нозларидек, улар нафо деган фазилатдан бенасиб қолгашлар; шунинг учун вафодорлар улар олдида қадрсиз ва хароб. Вафосиз муғаний — хайбиз муттакҳам. Агар йиллар бўйи ижат-хўрмат қилиб, унга етириб-ичирган бўлгенинг ҳам бир гал уни қуруқ қўйсанг — сендан кечади, танимайти қўяди. Булар эркак сувратидаги танинозлар ва башанг кийим кийган ўйбузар ахлоқсизлардир. Улар қўшиқ айтиб ва соз чалиб, бальзиларни таловчи, йўлтўсарлардир:

Маснавий:

Ҳеч кимга бу фитна дуч келмагай,

Чунки овозидан пажот қуши учиб кетади,

Куни қўимоқчи бўлса, доим довул уради;

Бу билан ўша қушин узоқ муддатта ҳуркитиб юбориш мумкин.

## ФУРҚАТ (1859–1909)



**Зокиржон Мулла Ҳолмуҳаммад ўэли,**  
**Фурқат** – атоқли шоир, маърифатпарвар,  
публицист. Фурқат Кўқонда 1859 йилда таваллуд  
тозган. У ўзи яшаб турган туман мактабида ўқиб,  
мударрис ва китоблардан хаттотлик ва араб тилини  
ўрганиган. 1873–1876 йилларда мадрасада таҳсил  
олади. Фурқат Алишер Навоий ижодини, форс  
адабиётини яхши билган ва форс тилини мукаммал  
ўзлаштирган.

1876 йилда у Фарғонага кўчиб ўтади, амакисига савдо ишларида  
ёрдам беради, ўзи кичкина дўкон очади. Шу йилларда у шоир ва  
маърифатчи сифатида шаклланади. 80-йиллар бошларида Кўқонга қайтиб  
келиб уйланади, ижод билан шугулланади. Муҳимиш ва Муҳий  
роҳбарлигидаги адабиёт кечалари, мажлисларда фаол иштирок ўтади, уларди  
туннингдек Завқий, Ноҳим, Ниғబет, Мухайир ва башка таникли шоирлар,  
адабиётчилар ҳам қатнашганлар.

Фурқат ижоди, унинг ғазаллари, муҳаммаслари лирик мусиқий,  
ҳақиқоний характерга эга. Ўзининг лирикасида у она диёр гўзаллиги,  
севти-муҳаббат ва энг эзгу инсоний фазилатларни куйлади. Фурқат  
маҳаллий бойларининг жаҳолати ва зўравонлигини, Фарғонанинг чор  
Россиясига қарамлигини қоралайди. Ўзининг машҳур «Сайдинг қўябер,  
гайёл, гайёра экан менисек» шеърини Фурқат лўринсонлик, зулм асоратларига  
карни чиқади ва шахс мустақиллиги ва эркинлигини ёқлади. Ушбу  
шеърдан завқланиб Ҳамза «Сайёра» қўшигини яратган.

1886–1887 йилларда Фурқат Марғилонда яшайди. Кейин Тошкентта  
йўл олади, йўлда Хўжинцига кириб ўтади. Ҳамма ерда шоирлар, адабиётчилар  
билан учрашади, ижодий кечалар ўтказади.

1889 йилда Фурқат Тошкентда, «Кўкалдош» мадрасасида яшайди.  
Тошкентда у рус зиёлилари, турли мамлакат олимлари билан танишади.  
Уни рус театрига, кўргизмаларга, концертларга, таълим муассасаларига  
таклиф этишади. У замонавий илм-фан ва маданиятининг прогрессив  
аҳамиятини яхши тушунади. Буларниң ҳаммаси Фурқатнинг  
дунёқарашини ўзgartиради. 1890 йилдан у «Туркистон вилоятининг  
газети» билан расмий ҳамкорлик қила бошлайди. Шу вақтдан бошлаб  
унинг фаол публицистик фаолияти бошланади. Бу ўзгаришлар унинг  
ижодида ўз аксини топади. Унинг «Гимназия», «Илм хосияти», «Виставка

хусусида», «Тошканд шаҳрида бўлрон нағма бағми хусусида», «Нағма ва нағмалар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсари хусусида» па болига шеърлари чоп этилади. Ижодкор инсон сифатида Фурқат ҳақиқий сяңгъитни, унинг ўзбек халқи учун муҳим аҳамиятта эга эканлигини нозик ҳис этади. 1890 йил Тошкент рус мусиқа жамиятида ташкил этилган концертига ташриф буорганидан сўнг чолғу ва чолғучилар ҳақида ўзининг шеърида у шундай ёзди:

Ўзимга тушибди бир кун улибу аҳвол.  
Бор эркан нағма онинг оти раёл.  
Эшиштим бир қиз анда баҳри ҳожот  
Қулур нағма тилини бирла муножот.  
Ҳазин овоз ила йиғлаб ҳудоға,  
Карам қыл дер мен бағри адога.  
Мақомашни қулур ҳар нағиъ бўнёд,  
Гаҳи қаттиқ физон, гаҳи нарми фарёд.  
Гаҳи найдек чекар оҳиста нола,  
Кетурур ғоҳи нағо машқин хаёла.  
Менга ул илама лидоқ қулди таъсир,  
Жигардин ўтиши таё тез пар тийр.  
Ўшал дам бўлди ҳолотим дигар гүн,  
Тўлуб-тошти юрак монанди Жайхун.  
Кўнгил эрди агарчи санги зора,  
Эриб кайздин сиришик үрди фавора.



Менга муставли ўлди гиря ул дам,  
Гирибон ўлди кўз ёнитм билга нағи.  
Мен айда билдим ул кўнгумни ҳолин,  
Ғаму шодио уммайду маолин.  
Тилар кўнглим тагин ул ерга етсам,  
Ўшал қизиниг муножотин эшиштасам.  
Етисб ул нағмадин жонимга роҳат,  
Замони ўлтурууб топсам фарогат.  
Ки онинг нағмаси жисмимда жондек,  
Юрўр таъсирни ҳам ранг ишра қондек.  
Аё Фурқат, қўмок сол забт этиб ҳуши,  
Ки шояд наслымиз солгай дебон гўши.<sup>8</sup>

Кейин қўшиқ ижроси ҳақида Фурқат шундай ёзди:

Баъдаэон қулди ашула бир кипи,  
Нағма эрди ёнида бир зан иши.

<sup>8</sup> Фурқат. Танынгган ясарлар. II-т. Т., 1959, 32–33-6.

Сүнгра чиқди бир қуёш рухсора зан,  
 Эгнига кийган эди кўк пираҳан.  
 Талъати гўёки эрди муштари,  
 Рашик этар кўрса жамолини пари.  
 Кўлда хат, қилди ашула ноз ила,  
 Ўртада танҳо, маҳин овоз ила.  
 Икки одам анга бўлди нагма соз,  
 Бири раёлу бири барбат навоз.  
 Нагмау овоз иков бир пардада,  
 Яъни савту соз иков бир пардада.  
 Завғи топти дил аларнинг созидин,  
 Шавғи топти жон мундинг овозидин.  
 Буйла савту созда моҳир кўруб,  
 Қилди истиҳсон ҳам эл қарс уруб.<sup>9</sup>

Мусиқа ижрочилигидаги муҳим аҳамиятта эга бўлган кўп овозлилик Фурқат эътиборидан четда қолмайди. Хор ижрочилигини тасвирлаб, у қўйи ва юқори овозларнинг баравар садоланишини таъкидлайди; чолғулар ҳақида «сўз юритиб, у созандалар бирга ижро этаётганларида ҳар бир чолғудан «турли товуш»<sup>10</sup> чиқиншини таъкидлайди ва дирижер ишораларига ўз тавсиясини беради. Мазкур концерт ҳақида Фурқат яна шундай ёзади:

Жамъи қизлар чиқди ўн бешдин зиёд  
 Бир қари устода айлаб инғиёд.  
 Қилдилар хониш ҳама якбораси,  
 Сув бўлуб оқди жигарлар пораси.  
 Кўл билан усто маҳорат кўргузиб,  
 Яъни хонишга шиорат кўргузиб.  
 Анда ул ноз офарин таннозлар,  
 Тортлишиб пасту баланд овозлар.  
 Чиқмай овози алар андозадин,  
 Айлади мафтун кўнгулни тозадин.  
 Онча мардумким тамошо айлади,  
 Борини овоз шайдо айлади.  
 Савт бирла ақлими лол этдилар,  
 Нагмадин кўнглимни беҳол этдилар.  
 Ҳеч ерда буйла савт эшишмадим,  
 Хайриятикам анда ўздин кетмадим.

<sup>9</sup> Ўша ер, з. 27–28-б.

<sup>10</sup> Вызго Т. С. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. М. 1970, 70–71-б.

Назмасин воғирлигига оғарын,  
 Салтга мөхүрлигига оғарын.  
 Кирдилар ичкори ул қызлар тамом,  
 Баям ҳам ул дам тұғалды, вассалом.<sup>11</sup>

1891 йылда Фурқат чет әлға — Марв, Ашхобод, Боку, Гатуми орқали Истамбулга, у ердан Булғория, Юношстан ва Болқон ярим оролининг бопшың шахарларига сафар қылады. 1892 йылда Истамбул шаҳридан у Маккя, Жидда ва Мадинага бориб, ҳаж амалини адо этади. Унинг «Ҳажнома» асари шүнгі бағишланған. Ҳаждан сүнг у Бомбей ва Хиндустоннинг бопшың шахарларидә бўлади. У ердя «Кашмирда», «Булбул» шеърларини ёзди. 1893 йылда Кашмир ва Тибет орқали Шарқий Туркистаннинг (ҳозирги Хитой) Ёрканд (Шачэ) шахрига келади ва ҳайтийнинг сүнгти куиларигача шу ерда қолади. Фурқатининг ўз ватанидан жўнаб кетишпининг сабаби ҳозиргача маълум эмас. Бироқ сўзиз унда она юргига соғинич кучли бўлгани аниҳ.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878—1934)



*Абдулла Авлоний* — буюк маърифатпарвар, педагог, шоир, драматург, актёр, мусиқий фольклор түпловчи, журналист, давлат ва жамоат арбоби, жадидлик ҳаракатининг ёрқин вакили, профессор, Мехнат қаҳрамоиӣ.

Абдулла · Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Мерганчи маҳалласида, тўкувчи ҳунарманд оиласида дунёга келди. 7 ёшидан эски усуздаги мактабда ўқишини бошлади, кейин 12 ёшидан мадрасада ўқиб, уни 1895 йилда тутатди. У отасининг ишига ёрдам берар, мустақил билим олини билан фаол шуғулланар, адабиётни ўрганарди. Авлоний араб, форс ва рус тилларини мукаммал ўзлангтириди. У Толстой, Ушинский асарларини ўзбек тилига таржима қытди. 1906 йилда Авлоний ўзининг шеърларини чон эттира бошлади. Авлоний «Тараққий» (1906), «Шухрат» (1907), «Осиё» (1908) газеталари чиңшидни ташкиллаштиради.

1908 йилда Тошкентнинг Мирабод туманида Абдулла Авлоний янги усуздаги мактаб очади, уни ўзи ўзбек тили ва адабиётидан даре беради. У «Жамияти Ҳайрия» (1909) шинг ташкилотчиси бўлиб, бу жамият

<sup>11</sup> Фурқат. Ташланғыш асарлар. II-т. Т., 1959, 28—29-6.

орқали етим болаларнинг маълумотли бўлгиларига ёрлам беради. Шунингдек, Авлоний Тошкентнинг Дегрез маҳалласида ҳам мактаб очади (1912). Мунавварқори Абдурашидхонов, Муҳаммаджон Пашохўжаев, Тавалю, Рустамбек Юсуфбеков ва бошқа илғор ҳамда бадавлат кишилар билан ҳамкорлиқда – «Нашриёт» турли бирлашмалари (1914), «Мактаб» (1916) ширкат хўжаликларини ташкил этади.

1913 йилда Абдулла Авлоний М. Абдурашидхонов ва Тошкентнинг бошқа зиёли, мўътабар ва бадавлат кишиларининг моддий ва маънавий кўмагиди Ўзбекистонда биринчи «Турон» театр труппасини ташкил этади ва унга ўзи раҳбарлик қиласди. Мазкур труппанинг театр маг’уми 1914 йил 27 февралда «Колиаей» театрида (кейинчалик Свердлов номли концерт зали) Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси билан очиласди. Бош ролларни А. Авлоний, С. Зиёбоев, М. Пашохўжаев, Б. Аъзамовлар ижро этадилар. Труппада Манон Уйғур, Сулаймон Хўжаев, Сиддий Рухомло, Фулом Зафарий, Аброр Ҳидоятов, Абдураҳмон Акбаров, Шокир Нажмиддинов, Маҳсума Қориева, Обид Жалилов ва бошқа етук режиссер, драматург ва актёrlар ишлагандар. Театрда Фитрат, Юнес, Чўпон, Ҳамза, Ҳурриён, Ҳожибеков ва бошқаларнинг пьесалари кўйиларди. Мусиқали спектакллар, айниқса Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» (1920) асари жуда оммавийлашиб кетганди. Бу «Турон» театр труппаси асосида кейинчалик Тошкентдаги машҳур миллӣ драматик, мусиқали драма ва ёш томошабинлар театрлари ташкил этилди.

1917–1918 йилларда Авлоний «Турон» ва «Иштирокцион» газеталарини чиқара бошлади. 1919–1920 йилларда у Афғонистондаги собиқ совет олтиҳонасининг боин консули лавозимидаги ишлайди. Тошкентта қайтгач. Авлоний халиқ таълими тизимидағи ишнин давом эттиради. 1921 йилда у «Касабачилар ҳаракати» журналишининг бош муҳаррири, шунингдек касаба иттифоқи ҳаракатининг масъул раҳбари бўлиб ишлайди, маориф билим юртларининг яёв ва эрлар бўлимларига раҳбарлик қиласди (1923–1924), Тошкент ҳарбий билим юртида даре беради (1924–1929).

1930–1934 йилларда А. Авлоний Ўрга Осиё университети кафедрасига мудирлик қиласди, профессор илмий узвонига сазовор бўлади. 1925 йилда унга Мехнат қаҳрамони узвони берилади.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 авгуастда Тошкентда вафот этади.

Абдулла Авлоний бутун ҳаётини ўз ҳалиқини маърифатли қилингага бариншади. Унинг томонидан педагогика бўйича «Биринчи муаллим» (1911), «Иккинчи муаллим» (1912) каби асарлар яратилган. Агар биринчи китобини «алифбо» деб атап мумкин бўлса, иккинчисини «хрестоматия» дейини мумкин. Иккинчи китобга Авлонийнинг «Мактаб», «Болалар

богчаси», «Мактабга даъват», «Илмсизлик балоси», каби шеърлари кирган унинг яна бир китоби «Туркӣ гулистан ёхуд аҳлоқ» (1913). Мазкур китоб педагогика бўйича ўзбек тилидаги одоб-аҳлоқ масалаларига онд биринчи дарсландир. Ҳар бир мавзуга Авлоний шеърлар ҳам ёзадики, бу мазкур аҳлоқ-одоб меъёrlарини қабул қилиш ва тушунишни сезиларли даражада кучайтиради. 4 қисмли «Адабиёт» тўплами 1909–1915 йиллар давомида яратилди. Авлоний «Мактаб гулистони» (1915), «Мардикорлар ашуласи» (1917); 7 синф учун янги дастур асосида «Адабиёт хрестоматияси» (1933), шеър тўпламлари ва бошқа асарлар яратди.

Мусиқа санъати, мусиқа педагогикаси масалалари бўйича мусиқашунос Барно Муҳамедова ўзининг «Авлоний ва мусиқа санъати» мақоласида ёзишича, Авлоний ўз изходи ва педагогик амалиётида мусиқага катта эътибор қаратган. Унинг «Саное нафиса», «Мусиқи», «Мактабга тарғиб», «Адабиёт», «Андижонда мусулмонча театр», «Мардикорлар ашуласи», «Маданият тўлқинилари» каби мақола, тўплам ва шеърларида мусиқа санъати масалалари кўриб чиқилади. Ушбу масалалар алоҳида таъкидлашга лойиҳ: мусиқа ва табиатнинг бирлиги, мусиқа ва мусиқа чоғуларининг пайдо бўлиши, мусиқанинг инсонга ижобий таъсири, композитор ва шоир, мусиқа ва мактаб, мусиқа ва театр, мусиқа ва дин, замонавий маданият ва қатор бошқа масалалар. Абдулла Авлонийнинг ўзи гўзал овозга эга бўлган ва кўшинча мусиқачилар, «Турон» театр трупасининг хорига улардан нима талаб қилинаётганини кўрсатиб берган. У маҳсус «Муножот», «Саодат шундадир», «Миллий нағма», «Хофиздан» ва бошқа шеърларни у ёки бу мусиқа учун маҳсус яратган. Масалан, юқорида кўрсатилган шеърлар «Сегоҳ», «Қашқарча», «Тасниф», «Баёти шероз» каби мусиқа асарлари учун ёзилган.

## ФИТРАТ (1886–1938)

Абдурауф Абдураҳим ўғли, *Фитрат* – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, сиёsatшунос, педагог-олим, давлат ва жамоат арбоби. Биринчи ўзбек профессори (1926).

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода туғилди. «Фитрат» – унинг таҳаллуси бўлиб, «қобилиятли», «истеъододли», «доно» маъноларини англатади. Унинг отаси Абдураҳимбойнинг – миллати ўзбек бўлиб, савдо билан шуғулланган. Онаси Бибижон – тоҷик миллатига мансуб, ўз даврининг билимли аёли бўлган, фарзандлари



тарбиясига күп күч сарғылган. Фитрат ўқишини эски усулдаги мактабда бопшади, кейин Мир Араб мадрасасында ўқиди. Араб ва турк тилларини мукаммал ўзлаштырды, шунингдек Шарқ халқдари тарихи ва маданияттини яхши ўрганды. 1902–1903 йилларда ҳаж амалларини бажарди: араб мамлакатлари, Туркия, Ҳиндистонда бўлди. 1906–1908 йилларда Россиянинг Москва, Петербург ва бошқа шаҳарларида бўлди.

Фитрат жадидлар ҳаракати раҳбарларидан бири эди, бу ҳаракат XIX аср охири – XX аср бошларида Қрим (асосчиси Исмоилбек Гаспринский), Туркия, Волгабўйи, Ўрта Осиё ва бошқа шириний худуудларда кенг тарқалган эди. Унбу ҳаракатининг асосий ғоялари «бирламтини ва суворенитет», «маърифат ва ривоҷланиши», «Шарқ ва Farb бирлиги» эди. Ўзбекистонда янги усулдаги мактаблар (кўн фанли, синф-дарс тизимига асосланган) очила бошлади. Ўқув фанлари бўйича янги дастурлар ва дарслилар тайёрлана бошланди. Шунингдек, бирин-кетин маърифий ва хайрнижамиятлари очилди. Шундай жамиятлардан бири – «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») ёрдамида Фитрат 1909 йилда тўрт йилга Истамбулга ўқининг жўнаб кетади. У ерда у ўзининг «Мунозара» номли адабий асрарини, мустакиллик ва ватанинг изорларлик ҳуқидаги «Сайҳа» номли биринчи шеърлар тўпламини ёзди. 1912 йилда унинг «Сайёҳи ҳиндди» китоби чоп этилади. Бу асарлар жадидлик ғоялари билан сугорилган. Туркияда Фитрат «Ёш турклар» ҳаракати таъсири остида «Бухоро таълими маориф жамияти»ни ташкил этади.

Ватанинга қайтач Фитрат ўқитувчалик фаолияти билан шуғулланади, янги усулдаги мактабларни ташкил этишда қатнашади, жадидлик ғояларини тарқиб қўлади. «Ин бухорониклар» ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўллади. Бу йилларда (1914–1916) у «Раҳбари нахжот», «Оила», «Мавлуди шариф ёки Муръоти хайр ул-башар» асарларини ёзди. 1917 йилдан бошлаб Самарқандда «Хуррият» газетаси муҳаррири вазифасида ишлайди. 1918 йилда Фитрат Тошкентта келади, 1919–1920 йилларда «Чиқатой гурунги» номли адабий-маърифий уюшма ва «Тонг» журналини ташкил этади. Унбу журналининг шиори – «Миң ўзгармагунча бошқа ўзгарашшар неғиз тутмас!». Бухоро халиқ социалистик республикаси ташкил бўлгандан кейин Фитрат Бухоро маориф вазири (1921), ташвишнишар вазири (1922), халиқ хўжалиги Кенгашининг раиси, Марказий Ижрония қўмитаси ва Халиқ исоирлари шўроси раисининг ўришбосари ва бошқа лавозимларда ишлади. Унинг фаол шигтирокида 70 нафар қобишлиятли ва иктидорли болалар Германияга ўқинига жўнатилиди.

1921 йилда Фитрат Бухорода «Шарқ мусиқа мактаби»ни очади. Шу мактабга директорлик қиласи ва унга ўзига тегинсли сени тухфа қиласи.

Ушбу мактабдаги төзүлүм Ўзбек айынаның мусиқа методлари асосыда олиб борилар эди. Бу ерда у ҳалы ҳофициалдат Ота Ниёс, Ота Жалол ва композитор В.А.Успенский ёрдамында Шашмақомни биринчи марта нотага ёзаш ишларини ташкил этади. Мазкур иш «Олти мусиқали поэма (мақом)» номи билан Фитраттада Н.Н.Миронов таҳрири остида 1924 йылда нашр этилди.

1921-1923 йылдарда Фитрат изход қылышы билан бирги давлат ишлари билан ҳам фаол шүгүлланади. Унинг ташаббуси ва бевосита интироқидан Бухоро республикасында Ўзбек тилиге давлат мақомы берилади. Ахолидан подир китобларни йиғинши ташкил этилади, шунингдек Ямирия унинг яңииларининг бой кутубхонаси давлат мулкін деб зыюн қыланаади. Вақф (мулкни давлат тасарруфига ўтказаш) ишлари учун Фитрат Тошкентдан Мунаввар қори Абдурашидхоновни, давлат театридаги ишни ташкил қылышы ва у ерда ишләш учун эса Маннан Уйкур (режиссёр, актёр, драматург) ва Чўлпон (ёзувчи драматург, таржимон, танқидчи)ларни таклиф қылади.

1923 йылда Москвадан келган комиссия Фитратни Москвага ишга ўтказанини ва чакирилдини баҳонасасыда уни иштеп бўшатади. Фитрат Москвага жўнааб кетади. Бу ерда у Шарқшунослик илмий-текноригин институтидаги ишлайди, шунингдек Ленинград университетидаги мътизузаляр ўзииди, бу ерда у аввал профессорлик илмий ушонингга тавсия қилинаади, кейин эса тасдиқланади (1926).

1926 йылда Фитрат Ўзбекистонга қайтиб келади. 1927 йылдан 1937 йилгача Фитрат асосан изходий, илмий ва педагогик фаолият билан шүгүлланади. Самарқанд олий педагогика институтидаги, Бухоро ва Ташкент ўқитувчилар институти, Ўзбекистон маданият қурниш илмий-техникик институтидаги, Ташкент тил ва адабиёт илмий-техникик институтидаги ишлайди. Бу йилларда у А.Самойлович, С.Малов, Е.Э.Бертельс каби номлари дунёга машҳур олимлар билан фаол ҳамкорлик қиласади. Йирик ӯзбек олимлари ва адабиётшunosлари – Яхъё Гуломов, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Ҳоди Зариғов, Иzzат Султон, Ҳомиля Ёқубов Фитратни ўзларининг бевосита ёки билвосита устозлари деб ҳисоблаганлар.

1937 йылда, шахсга сипинини ва қатагон даврида Фитрат Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирний, Усмон Носир, Чўлпон, Элбек каби давлат арбоблари ва ёзувчилар қатори ҳибета олинади ва 1938 йил 4 октябрда, ҳукм чиқарилишига бир кун қолганида отиб ташланади. У ўлимидан сўнг оқланди. Шахсга сипинини ва қатагон даври умумхалқ фожиасига айланди – у минглаб бегупоҳ ва ватанинг муносаб ўлоиоларини ҳайтдан олиб кетди.

Абдурауф Фитратнинг ӯзбек адабиёти, санъати, илм-фани,

педагогикасини ривожлантирип, жамиятни фаровоилаштиришга қўшган ҳисобли шунчалар улканки, уни XX асрдаги Ўзбекистоннинг энг йирик арбобларидан деб ҳисоблаш учун тўлиқ асос бор.

Унинг адабий асарлари – «Мунозара», «Сайёхи ҳинди», «Қиёмат», «Меърој», «Оқ мозор», «Зайд ва Зайнаб», «Захроннинг имони» ва б.; «Натра», шеърлар тўплами; «Сайҳа», «Юрт қайғуси», «Мирриҳ юлдузига», «Шари», «Шонир», «Ўзбек ёш шоирлари» ва бошقا шеърлар; театр учун «Бегижон», «Ҳон», «Абу Муслим», «Темур саҳнаси», «Ўғизхон», «Тўлиқин» (опера либреттоси), «Чин севги», «Ҳинд истилочилари», «Абулфайзон», «Пайтоннинг тантрига иёни», «Арелон», «Пўриппи Восе» ва б. ясарлари; шлмий адабиётшуносликка оид «Бедил», «Навоийнинг форсий шоирларни ва унинг форсий девони тўғрисида», «Кутадгу билиг», «Аҳмад Яссавий», «Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар», «Хиббат ул-ҳаққойиц», «Ўзбек шоирни Турди», «XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Муҳаммад Солих», «Форс шоирни Умар Ҳайём», «Машраб», «Фарҳоду Ширини» достони тўғрисида», «Шеър ва шоирлик», «Адабиёт қоидалари», «Санъатнинг манизи», «Аруз ҳакила» ва б. асарлари.

Педагогика, маориф, мусиқиатуниослик ва мусиқиа педагогикасин соҳасидаги Фитрат томонидан «Раҳбари нажот» (1913), «Ойила» (1916), «Мавлуди шариф ёки Муръоти хайр ул-башар» (1914), «Ўқув» (1917), К. Рамазон ва Ш. Раҳимийлар билан ҳамкорликда ёзилган «Она тили» дарслити (1918), «Ўзбек тилининг сарфи тўғрисида» (1925), «Сарфи забони тоғики» (1925), «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф» (1925), «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Наҳъ» (1926), «Адабиёт қоидалари» (1926), «Турк адабиёти намуналари» (1926), «Ўзбек адабиёти намуналари» (1928), «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1928) каби асарлар яратилган. Фитрат мусиқиа мавзусидаги қўйидаги асарларни ёзган ва чоп эттирган: Н. Н. Миронов билан ҳамкорликда «Олтита мусиқий поэма (мақом)» деб номланган Шашмақом нота ёзувининг таҳрири (1924), «Ўзбек мусиқаси тўғрисида», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» (1927) ва б.

Фитратнинг мусиқиатуниослик ва мусиқиа педагогикасин соҳасидаги шу фанларнинг ривожланишига асос солған энг йирик асари сифатида юқорида келтирилган «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»ни ҳисоблаш мумкин. Мазкур китобда олим ва мусиқачилар (Жомий, Навонӣ, Бобур, Марғонӣ, Урмавий, Муҳаммад ибн Маҳмуд, Муҳаммад Юсуф, Рауф Яқтабек, Кавқабий, Дарнези Али Чангий, Мулла Бекжон, Фулом Зағарий, М.Юнус, Қори Ёқубов, Н.Н.Миронов, В.А.Успенский ва бошталар)нинг катта амалий материаллари асосида Фитрат умумлан шарқ мусиқаси,

